


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА  
ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ

У.Н. Мухамедова

УЙЎҒУР ХАЛҚ РАҚСИ  
(УЎҚУВ КУЛЛЕНИМА)



Тошкент  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
«Фан» нашриёти  
2009

Ушбу ўқув-қўлланмада уйғур халқ рақс санъати, ушбу тарихий келиб чиқиши ва ривожланиши, сирлиқ рақс мактаблари аратган уйғур рақс санъати асосчиларининг ҳаёти ва ижодий феъланетлари ҳақда қизлардан маълумотлар келтирилган. Ўқув-қўлланمانинг асосий қисми уйғур халқ рақс санъати билан таныштиришдан иборат бўлиб, ўрганиш ва ўргатиш услублари кенгайтириб берилган.

Асар Урумчи шаҳридаги Шайхон Санъат институти Уйғур санъати “Рақс” бўлими билан илмий-ижодий ҳамкорлик асосида ҳамда уйғур халқ рақс санъатининг билмондорлари, устоз санъаткорлар билан ҳамфийр бўлиб яратилди.

Ўқув-қўлланма барча рақс санъати ўқитувчилари, Тошкент минлий рақс ва хороография олий мактаби талабалари, ўқувчилари, Малайяет коллежларининг “Миваллий рақс” бўлими ўқувчилари, балетмейстерлар ва барча қизиқувчилар учун мўлжалланган.

#### **Масъул муҳаррир:**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист  
Флорида Нисомутдинова

#### **Тажрибчилар:**

Ўзбекистон халқ артисти, профессор  
Розия Каримова,  
Ўзбекистон халқ артисти, профессор  
Гули Ҳамраева

## МУАЛЛИФДАН

“Умр — оқар дарё”, дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, ҳаётнинг бир кунли соқини, бошқа кунли тўқирили. Инсон ҳаёт уммонида кезар экан баъзан ўтган кунларини сарҳисоб қилиш фикри туғилиб қолади. Шундай пайтда меннинг ҳаёлим кўнжча берубор, жўшқан, қувноқ ёшлигимга, “Баҳор” ансамблида ўтган кунларимга етаклайди. Мен учун энг қimmatли ва қадри бўлган устозим Мукаррама Турғунбосова кўз олдимида гавдаланади. Устозимизнинг “Баҳор” қизларига бўлган оналарча меҳрибонликларини яна қайта ҳис қиламан. Репитициялар, саҳна ортидаги ҳажжонлар, саҳнадаги ижро, концертдан кейинги ширин чарчоқлар, ҳаётимнинг бир бўлагига йўлдош бўлган “Баҳор”нинг қизлари: Разишаной Шарипова, Мухтабар Йўлдашева, Тамара Сағирова, Гулсум Ҳамраева, Дурдона Зиҳанова, Насиба, Маъмура, Гулчехра, Гулнора, Нурхон, Зиёда, Жонон Сайёра, Флорида... Уларнинг ҳар бири ўзгача олам. Шу лаҳзада қадрдон дўстоналаримдан бири Флорида ҳаёлимдан ўтди. Унинг тинчсонида уйғур қизининг ҳабсини, ибосини кўраман. Ҳаётга ўзгача назар билан қарайдиган, теран фикрли, рақс санъати соҳасида ўта тирчишқоқ, ҳобилятли, лекцион камтар Флорида. У билан ансамблда ўтказган дамларимизни эсга олсам, унинг ижод йўлига назар солдим. У рақсга тушганида ижро услуби, айниқса, юз ва кўз ифодаларининг ўзгача жамиятга эътибор қилар эдим. Раққосалик, репетиторлик, балетмейстерлик фаолиятларини таҳлил қилдим. Флорида бу соҳада устозларининг йўлини тутди. Не-не машаққатлар чекишга қарамай ирода ва метонат билан барча қийинчиликларни енгиб ўтди.

Кунларнинг бирида Урумчи шаҳридаги Шинжон Санъат институти Уйғур санъати рақс бўлимида Қамбархоним бошчилиги қилган даврдая ишлаган (ҳозирги кунда нафақадаги) шу институт доценти Зайнаб Собит ўз таклифи билан Уйғур Санъат институтининг раҳбариятига кириди.

“Ўзим Ўзбекистонда рақс санъатини ўрганиб, бу ерга келиб ўзбек рақс санъатини ёшларга ўргатиб келдим. Ўзбек рақсини янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида Ўзбекистонга махсус таклифнома юбориб, ўзбек рақс мактаби ва мерос рақсларини ўргатувчи мутахасссларни қадритиришнимиз лозим”, деб сўраганлар. Ўзбек рақсининг беқирис рақсларини ўргатиш мақсадида машҳур “Баҳор”

ансамблида ишлаган, устози М.Турғунбоевнинг рақсларини ўзлаштириб олган, уйғур рақс санъати бўйича илк таълимини ўзларининг институтида олган севимли шогирдларидан бўлиши Флорида Низомутдиновани ҳамда у орқали ўзбек рақси ва унинг мактабларини тўлиқ биладиган, ўргата оладиган етакчи мутахассис сифатида менга тажриба алмашиш мақсадида ишга таклиф қилишларини сўраган. Бу таклифни институт раҳбарияти хурсандчилик билан қабул қилган. Ф.Низомутдинова ва Зайнаб Собитнинг кўп марталик ёзишма ва телефон орқали суҳбатшуварлари натижасида махсус хат Ўзбекистонга етиб келади. Биз Флорида билан Зайнаб Собит юборган хатни олиб ҳозирги кунда мен ишлайётган “Миллий рақс ва хореография олий мактаби” ректори Г.Р. Ҳамроевнинг олдига кирдик ва таклифни уларга етказдик. Г.Р. Ҳамроева Шинжон Санъат институти таклифини мамнунийет билан қабул қилдилар ва бизни қўллаб-қувватладилар.

Шундай қилиб, 2003 йил октябрь ойида Ф.Низомутдинова билан Урумчи шаҳридаги Шинжон Санъат институтида Уйғур рақс санъати бўлимида тажриба алмашиб катта таассуротлар билан қайтдик. У ерда уйғур санъати рақс бўлими бошлиғи Дилъра бошчилигида иш олиб борилди. Мен еттига синфга ўзбек рақсининг Фарона, Бухоро, Хоразм мактаблари қўл, оёқ ҳолатлари, ҳаракатларини ўргатдим. Флорида билан биргаликда М.Турғунбоева саҳналаштирган ўзбек рақс дурдоналаридан бўлган “Беёт”, “Катта ўйин”, “Давра”, “Бухороча”, “Хоразмча”, “Дилхирож”, “Соқирмома санъат калон”, “Тоғжонча” рақсларини ўргатдик. Рақс кийимларининг эсонларидан намуналар бердик. Флорида билан биргаликда икки ой мобайнида олиб борган ишларимизнинг натижаси сифатида институт раҳбарияти ва устозларга бир ярим соатлик катта дастур тайёрлаб топширдик.

Биз ҳам ўз навбатида уйғур халқ рақс санъати билан иккон даражасида танишдик, чунки вақтимиз ҳисобини эди. Институтдаги уйғур санъати рақс бўлими ўқитувчиларидан Турсунгул, Ойшам Қурбон, Дилъраларининг дарс ўтиш услубларини ўргаялдик. Уйғур рақс мактаби ҳақидаги маълумотларини янада бизга Санъат институтини битирган, ҳозирда рақс коллежи ўқитувчиси Наҳиса Абдурасул қизи яқиндан ёрдам берди. Сафаримиз якунида устоз Зайнаб Собит ва биз билан бирга ишлаган барча ўқитувчиларга ўз миннатдорчилигимизни билдирдик.

Ўзбекистонга қайтганимиздан сўнг Ф.Низомутдинова Ўзбекистонда ҳам ёшларга уйғур халқ рақс мактабини ўргатишни йўлга қўйиш мақсади борлигини, ўз мақсадини устоз Зайнаб Собитга етказганигини ва устозининг юборган жавоб хатида ўзи ва бошқа устозлар унинг бу фикридан бошн осмонга етганлигини айтди. Зайнаб Собитнинг Флоридага юборган жавоб хатида шундай сўзлар битилган:

“Уйғур рақси жуда гўзал, нафис, силлиқ ва юмшоқ қадамлар билан ўйналадиган, оёқ-қўллар бир-бирига жуда мослашган рақслардир. Уйғур рақс санъати асосчиси Қамбархоним кейинги авлодин тарбиялаш мақсадида махсус рақс мактабини ташкил қилдилар ва ўқув дарслигини яратиб, ўзи ҳам уйғур рақсларидан ёшларга сабоқ бердилар. Қамбархоним қўлида ўқиган шогирдлари уйғур халқининг ҳурматига сазовор бўлган, мамлакатда ва бутун жаҳонга таниқли артистлар бўлиб етишиб чиққан. Маржон Носир, Холчам Сиддиқ, Райҳон Облизлар қаторида Флорида ҳам бор. Флорида мукаммал тузилган уйғур рақс дарслигини тўлиқ ўзлаштирган. Шунинг учун Ўзбекистон саҳналарида уйғур рақсларини маромли а етказиб ижро этиб ўзбек халқига кенг таништириб, элиниг олқишига сазовор бўлган. Уйғур рақс санъатини катта саҳналарга олиб чиқридан, бу санъатни балетмейстерлик феодини орқали янада сайдаллаб ёшларга ўргатиб келаётганини кўриб биз устозларни ундан мамнун бўлдиқ. Айниқса, Ўзбекистонда уйғур рақс мактабини ўргатиш ишнин йўлга қўйилдек катта ишни бошлаган Тошкент Давлат “Миллий рақс ва хореография” олий мактаби раҳбариятидан, хусусан, ректор Г.Р.Ҳамрасевдан, шу институтининг кафедра мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳ. Муҳамедовдан ҳамда шогирдини Ф.Низомутдиновдан жуда хурсандимиз.”

Бу хат менн янада илқомлантирди ва маъсулиятли вазифани олганлигинин чуқурроқ ҳис этдим. Чунки, ҳар бир халқ рақс санъати ўзининг тарихига, мактабига, бой меросига эга. Бу рақслариниғ бузиб ижро этилишига йўл қўйилмаслиги лозим. Бунинг учун эса, албатта, рақс санъати мактабини чуқур ўрганиш керак. Шу сабабли уйғур халқ рақс санъати мактабини ўргатиш учун ўқув-қўлланама яратиш зарурети туғилди. Флориданин уйғур рақс санъати бўйича олган чуқур билими, ижро маҳорати, Ўзбекистонда саҳналаштирган рақслари, тўплаган маълумотларини таҳдосладим ва уйғур санъат институтида кўрганларим, ўргатганларим унга мос туғди. Уйғур

халқ рақс санъати ҳақидаги фикрлар, маълумотларни тўплаб ўқув-қўлланма яратишга қатъий киришдик. Мен ўз фикр ва мулоҳазаларимни, мақсадларимни устозимиз, профессор Розия Каримовага билдирдим, улар оқ фотиҳа бердилар. Устоз санъаткор, уйғур санъати билимдони, пешвоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Холисхон Қодировачининг фикрлари ва институт ректори Г.Р.Ҳамраеваларнинг ёрдами билан ишга киришиб кетдим. Илганишлар натижасида ҳозир сиз қўлингизда ушлаб турган, уйғур рақс санъати тарихи билан таништирувчи, рақс ҳолатлари ва ҳаракатларини, рақс турларини ўргатувчи биринчи "Уйғур рақс санъати" деб номланган ўқув-қўлланма яратилди.

Бу ўқув-қўлланмага менга яқиндан ёрдам берган, ўз қимматли маслаҳатларини аямаган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Флорида Низамутдинованинг билими, фикрлари, тўплаган маълумотлари асос бўлди. Уйғур рақс мактаби ва ўқув-қўлланмаларидан фойдаланиб, шу асосда уйғурча қўл, оёқ ҳолат ва ҳаракатларини ишлаб чиқиб бир тизимга солдик. Фурсатдан фойдаланиб, мени қўллаб-қувватлаган барча дўстларимга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Ушбу ўқув-қўлланма тўғрисида билдирилган барча самимий фикр ва мулоҳазаларни бажонидил қабул қиламан.

## СЎЗБОШИ

Уйғур халқ рақси санъатининг энг гўзал намуналаридан биридир. Уйғур халқ мусиқасининг ояси бўлган “12 мақом” Шарқ мусиқа тарихидаги энг зўр мерослардан. “Жунгуа” маданият, санъат ҳазинасида чакнаб турган марварид ҳисобланса, унинг ҳамшираси бўлган рақс санъати аجدодларимизнинг бизга қолдириб кетган буюк маънавий бойлиқдир. Уйғур халқ рақс санъатида 60 йиллар ичида яннқ, теран мазмунга, жангвор юксак бадиийликка, миллий шакллارга бой бўлган катта ва кичик ҳажмдаги кюка, дуэт, трю иа гуруҳли рақслар ҳамда бир қисмде театрлаштирилган рақслар майдонга келди. Уйғур халқ рақс санъати ўзининг хилма-хил гўзал, нафис ҳаракатларининг юқори маҳоратни ифодалаш кучига эга эканлиги билан тарихий тартирнёт жараёнида қриматли миллий мерослардан бўлиб келди.

Рақслар характери санъат бўлганлиги сабабли, вақтнинг ўтиши билан, ҳозирда уларнинг айрим қисм ҳаракатларигина сақланиб қолган. Уйғур халқ шонрларининг газал ва жонли назмларидаги тасвирларидан бошқа рақс ҳариде алоҳида маълумот йўқ. Шунинг учун уйғур рақс санъати қисил монгуй, қумтурнинг уй, турфа безакли думованли уй том деворларидаги суретлардан бошқа маълумотларга эга эмас. Ҳозирда халқ орасида сақланиб қолган рақсларни эл ичида юриб халқ сайиллари, базму йилчиларидан узоқ муддат килаб ўрганишга тўғри келади. Рақс санъати уйғур халқининг маънавий бойлиги, сўнас гулручасидир. Шунинг учун уйғур халқ рақс санъатини чуқур тадқиқ қилишнингга тўғри келади.

Бой, гўзал, турли шаклдаги халқ рақсларини ва уларнинг ҳаракатларини таҳлил ва тадқиқ қилиш муҳим илмий тадқиқот ҳисобланади. Ёнобарен, рақс санъати ижодкорларини, айниқса, олий ва ўрта махсус ўқув юртлирининг рақс санъати соҳасида таълим олаётган талабаларини ва барча шу соҳага қизиувчиларни маънавий мерос ҳисобланган рақс санъати, унинг тарихи билан таништириш, ўқув қўлланмалар билан таъминлаш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим вазифалардан биридир. Уйғур рақс санъати тарихи билан таништирувчи, уйғур рақс санъатини ўргатувчи қўллитиздаги ушбу ўқув қўлланма ана шу талаб ва эҳтижаларга жавоб сифатида ёзилган.

*Насиба Эркинова Абраймқулова  
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат  
маданият институти катта ўқитувчиси*

# Ї БОБ. УЙЎУР РАҚС САНЪАТИ ҲАҚИДА

## 1.1. Рақс санъати тарихи

Рақс санъатининг кўриниши, қиёфаланиши, ифода қилинишининг соданий мазмунига қараб, унинг турмушта боғлиқ бўлганлигини, кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланишини, табиат билан курашини, маънавий тафаккурини англашнинг мумкин.

Рақс санъатининг манбаси инсониятнинг турмуш тарзи бўлишига қарамай турмуш ҳаракатларининг ҳаммаси ҳам рақс ҳаракатлари эмас. Аммо ҳоҳ халқ рақслари бўлсин, ҳоҳ муштор тарихий рақслар у бир миллатнинг узоқ ўтмишидаги дини, турмуши, урф-одатларнинг кўрсаткичи беради. Ҳаттоки исом миллатнинг саломати, таъзини қилиш ҳаракати ҳам бир-бириникига ўхшамайди. Турли хил жанрдаги рақслар шахсларнинг характерларини яратишни асос қилиб олади. Ҳинд халқ рақсидаги “Ғамир тилаш”, “Аллоҳга илтижо қилиш”, “Ойга хушомад қилиш”, сўраган илтижоларига эришганларидан хурсанд бўлиш ва бошқа халқ-ҳаракатлари буддизмнинг рақсдаги ифодаси бўлганидек, Уйғур халқ рақсларини олиб қарайдиган бўлсак, “Сув”, “Муз”, “Товус”, “Муножат”, “Само”, “Пир” ва бошқа сюжетли рақслар турмуш урф-одатларидаги воқеа-ҳодисаларнинг, ривоятларнинг ҳам диний эътиқод билан боғлиқ бўлганлигини кўриш мумкин. Уйғур халқ рақслари ҳам илтижо қилиш, паноҳ тилаш, ҳудого нола қилишдек туйғулардан ҳоли бўлмаган. Бундай эътиқодлар озаёиб, кейинчалик турмушнинг ривожланиши жараёнида рақс санъатига айланган. Қадимий уйғур халқ рақсларида оташпарастлик санъатига алоқадор “Ўт-Олов”, “Чироқ”, “Гулхан” рақслари “Шаман” қондалари ва санъатига дахлдор бўлган (Масалан: Барот ойида бўйин узун қовоқларни куйдириш) яқин даврлардаги вариант ҳисобланади. Қўроқчилик бўлганда суз сўраш, садақа йитиб “Назр-чироқ” қилиш одатга айланиб қолган. “Сув”, “Муз”, “Само” рақсларида бу хил ҳаракатларни кўриш мумкин. Масалан, “Пирхун” рақси кишиларни иллатлардан сақлайдиган рақсдир. Улар рақсга тушиб, аважга чиқадилар ва уларнинг бундай ҳолати “Аршга чиқиб, ўғирлаб кетилган жонни қайтариб олиш учун “қўрбонлик бериш”га ўхшайди. Энг қадимий даврларда “Яхши руҳлар”нинг ёрдам беришига ишониб, раҳм-шафқат уйретиш учун уларнинг шарафига шуулалар айтиб, шўх базилар, байрамлар ўтказилган, қўрбонлик қилинган.

Милоддан олдинги ва милоддан кейинги уйғур рақс санъатининг шакллари ниҳоятда кўп, мазмунан ранг-баранг бўлган. Бундай бой мазмун ҳар бир шаклнинг ичига ҳаракатлар воситаси билан, яъни имо-ишоралар ифода қилинган ҳолда, ниҳоятда оҳангдор ашулалар, ёқимли, нафис мусиқа лардалари билан тартибга солинган. Рақс мусиқасиз, ашуласиз ижро этилмайди. Ижро этилганда ҳам улар маъносиз бўлиб қолади. Рақслар доира, ногора, карнай, сурнай, дуттор, қонун, танбур, сато ва бошқа чолғу асбобларининг куйлари орқали ижро этилади. Милоддан олдин уйғурлар “Шаман” динига эътиҳод қилганлар. У даврда фақат доира ва ногоралар жўрлигида ижро этилган. Масала: “Пирихун” рақсида жин, алвастиларни доиранинг жўшқин усуллари ва рақс ҳаракатлари орқали уйғотиб, қувиб, ҳайдашлари тасвирланган. Жин ва алвастиларни ҳайдаганларидан сўнг, хурсандчиликларини тасвирлаганлар. Бу рақсларни ижро этиш учун доира ва ногорадан ташқари ёш дарактларни кесиб, гәрдиш қилганлар ва тери торганлар. Ёрочин ўйиб дўмбоқ қилганлар ҳамда қўй, эчки териларини торганлар. Ававал ёроч ва сонол касалардан, кейинчалик темир ва чуқлардан ясаганлар. Бундай чолғу асбоблари ҳозирги кунгача сақланиб келмоқда. Уша даврларда уйғурлар ёз кунлари тоғ ёнбағирларидаги яйловларда, адирликлардаги чаманзорларда кўнгилочар базмлар уюштиришган. Улар доирачилар билан кўпик айтиб, рақсга тушганлар. Доирачилар гуруҳларга бўлиниб, ҳар бир гуруҳ таркибиде 4-5 тадан доирачи бўлган. Эркаклар доира чалганда аёллар рақсга тушганлар. Бу рақслар инсонларнинг хурсандчилиқ, шод-хуррам ҳаётини тасвирлаган. Айтишларича, ногора шаклидаги кичик дўмбоқларни ясаб, шу дўмбоқлар билан рақсга тушганлар, дўмбоқларини ҳаракатлантирганда чиққан овозига эркак ва аёллар бирга рақсга тушганлар. Бундай рақслар хон ва бекларни табриклаш учун ижро этилган. Бу виёана Хўтан районида ҳозиргача сақланиб қолган.

Милоддан кейинги даврларда уйғур рақс санъатининг шакллари бирмунча хилма-хиллашди. Бугунги кунга келиб, улар асосан қуйидаги турлардан иборат:

1. “Санам”рақси – кўнглим, қалбим сенда маъносида бўлиб, севги, муҳаббат ҳақидаги рақсдир. Бу рақслар хон саройларида, ўрдалардаги тўй-ҳашамларда, ҳайит байрамларида турли чолғу асбоблари билан ижро этилган. Олдий халқ ҳайит байрамларида кўчалардаги саҳналарда ногора, дўмбоқ, сурнайларни чалиб, рақсга

тушган. Бу рақсда бир-бирига бўлган севги, муҳаббат, садоқат, вафо, дўстликни, иноқликни кўз, қош имо-ишоралари ва нафис қўл, гафда ҳаракатлари орқали ифодалаганлар.

“Санаи” рақснинг бир неча турлари ҳозиргача сақланиб қолган. Булар: Дўлаи санами, Қошқар санами, Қумул санами, Кучар санами, Эли санами, Қорли санами, Хўтан санами, Қорилик санами, Яркин санами. Ушбу рақслар ҳозир ҳам шу ном билан аталади.

“Нозигам” рақси – кўпроқ толдек эгилишлар, нозланишлар, гўзаллик маъносига рақсдир. Бу рақсни кўпроқ ёш қизлар ва келинчақлар ижро этганлар. Аммо бу рақс ашула билан ижро этилиб, ҳар бир нақоратда “вой-вой нозигам” сўзи такрорланиб турган. “Нозигам” рақси сулув қизларга келишган йигитларнинг ошқу беҳарор бўлиб юрганларини ифодалаган.

“Нозиргум” рақси – ҳажний ниқобли, кулгили ва қизиқарли масхарабозликни ўз ичига олган рақс бўлиб, дутор, танбур, ноғора, доира, сурнай чолгулари билан ижро этилган.

2. “Гуллайли” рақси – бу рақс кейинчалик халқ тилида “Гуллавл” деб ўзгартириб юборилган. Бу сўз “Лаби гул” деган маънони билдириб, кўшиқ билан ижро этилган аёллар рақсидир.

“Ана гул лава, мана гул лава, гуллава,

Гуллава ёри юқа ошни қил гуллава ” нақорати билан ижро этилган.

Рақс доира, дутор, танбур чолгуларида ижро қилиниб, муҳаббатга, севган ёрига етишиш маъносини баён қилади.

3. “Ноғора” рақси – ҳайит байрамларида ижро этилган. Бу рақс асосан Қапқарда қарнай-сурнай, ноғора чолгулари билан гуруҳли бўлиб, тез ва тантанавор тарзда ижро этилган. Мазмунини эса шодлик, хушбақтлик, хурсандчиликдан иборат. Шунинг учун ҳам у “Шодийиш” рақси деб ҳам аталган.

4. “Само” рақси – уларнинг турлари жуда кўп. Бу рақсларда чорва боқиш, пахта териш, пилла етиштириш, қовун йиғиш, узум узил ва бошқа қўллаб меҳнат жараёнлари тасвирланади.

5. “Малраб” рақси – арабча “қайнаш” маъносига эга бўлиб, унинг ҳам турли хиллари мавжуд. Бу қадимги рақс таркибига кириб жангвор, баъзан эса бекзодалар масхараляниб, хушбақт кунлар тантана қилинган. Бу рақслар дала, тоғ ёнбағирларда, сайҳонликларда, яйловларда, чаманзорларда доира, қарнай-сурнай ҳамда бир

нечта ногора (2 та бош ногора, 2 та ўртача ногора, 2 та оёҳ ногора, 1 та холмс ногора, дўмбоқлар билан юкро этилган.

6. "Сиртма" рақси – бу рақс Жанубий Шинжонда "Сирилма тақтақ" деб аталади. Ушбу рақс ашуласиз ҳаракатли рақс бўлиб, жимжитликни талаб қилади. Маъноси фақат ҳаракатлар орқали тушултирилади.

## 1.2. Халқ рақслари

Халқ рақслари чуқур мазмунга эга. Биз ана шу мазмунларга қизиқиб, ташроқ қилишимиз, ривожлантиришимиз ва унн давр руҳи билан сурориб, янги мазмун билан бойитишимиз лозим. Халқ рақсларини сиқчиқлаб муҳокама қиладиган бўлсак, кўпсонли уйғур халқининг турмуши, урф-одати, дунёқарашларини ифода қилишини кўришимиз мумкин. Анъанавий халқ рақсларининг ўзига хос томонлари ва хусусиятларини излаб топиш, ўрганиб, тўғирлаб чиқиш улкан меҳнат талаб қилади.

Тарихий рақслар неча минг йиллар ичиди даврдан-даврга ўтиб, давом этиб келган. У тарчи халқ ижодиёти бўлса ҳам, давр ва тарихийлг таъсиридан ҳоли бўлмаган. Шунинг учун табиий ҳолда бир қисм рақсларга диний мазмун аралашиб, софлигини йўқотган ёки йўқолиб кетилишига сабаб бўлган.

"Само", "Тирисхун" рақслари ва улардаги маълум рақс ҳолатларида аконатсиз жамиятта ҳариси ғазаб билан тўлган халқнинг оқу зори, бахту саодатта интилишлари ифодалявади, аимо бу бахт-саодатни ройибдан талаб қилиш ҳисси етакчи.

"Нозиркум" рақсида эса (ниҳобли, ҳажвий нозиркум) у ҳар бир тарихий шароитда тиришқоқ халқнинг ҳиссийетини, умидворлик, курашчан ҳаётини баён қилиш билан бир вақтда ўз замонаси устидан кулиш, масхаромуз рақслар билан иллатларини фойш этиш кучли.

Кучар халқининг чинни талса (тақсимча) ва чинни пийла рақси, хўтанликларнинг "Чироқ" рақси, хўжилликларнинг "Товус" рақслари ва бошқа халқона рақслар Машраб майдонларида кишини ҳажжонга соладиган жасур ва мардона рақслар ҳисобланади. Улар аксарият гўзал табиат манзараларини аниқ тасвирлаб, юқори маҳорат билан мазмунли аниқ баён қилиб берадиган рақслардир.

Масалан: "Сайли", "Сайли боғ сайлиси", "Гул сайлиси", "Ҳазрет сайлиси", "Ўрда-хоним сайлиси", "Қовун-ўрик сайлиси" каби рақслар гўзаллиги, мардонавор, шўх ва чаққонлиги билан ўзига жалб

атади. Баъзи бир халқ рақслари ижро этиш жараёнида номи ўзгартириб аталган. “Наврўз” сайли Кучар халқида “Наврўз томошаси”, яхонликларда “Соғайди”, хўталикларда “Чархпалак” деб аталган бўлсада, уларнинг маъноси ўзгармаган. “Наврўз” сайли қадимдан уйғурларнинг баҳор байрами ҳисобланади. Рафта бозори, созандалар, ашуланилардан таркиб топган бу байрамда турли, ранг-баранг ўйин турлари ўйналган. Баъзи маълумотларга кўра “Соғайди”, “Чархпалак”, “Олов” рақслари, дуэт, лапар айтиш, топшимоқ, дорбозлик санъатлари Кучар халқидан тарқалган экан.

Атоқли уйғур раққосаси Қамбархоним бу ҳақида: “Наврўз” кент чаманзор, майдон, сайҳонликларда ўтказиладиган байрам бўлиб, унда ашула ва рақслар салмоқли ўринини эгаллаган, болалар, ёш қизлар, эркак ва аёллар жам бўлиб, ашула, мусиқа, рақслар билан баравар қўнғил очилган” дейди.

Уйғур халқи “12 мақом”, “6 мақом”ни ижод қилган халқ. Машраблари, айёмлари, сайиллари бўлса халқнинг жонли ҳаёти билан чамбарчас боғланган. Ҳайит айёми, тўй, тўқин ва мўл ҳосилнинг тантана қушларида машраб-майхоналарида узоқ замонлардан буён ўйналиб келинган халқ рақслари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Санам рақси – Қашқар, Қорла, Эли, Қумул, Кучар, Қорлиқ санамлари.

2. Дулан рақси – дулан санам.

3. Само рақси.

4. Нозиржум рақси.

5. Шодиена рақси.

6. Пир рақси.

7. Чироқ рақси.

8. Шер (Йўлбарс) рақси.

9. Учар қуш рақси.

10. Тоғ рақси.

11. Пешвоз рақси.

12. Дов рақси (Қайроқ тош билан ижро этиш).

13. Ўшқа рақси (Эчки ниқобини кийиб ижро этиш).

14. Сайли рақси.

15. Оттуш рақси.

16. Тўхувчилик рақси.

17. Олов рақси.

18. Кампир-чоллар рақси.
19. Тўй рақси.
20. Чанг тахса ва лиёла рақси.
21. Жанг-ов рақси.
22. Шох-шоҳ чинор рақси.
23. Лимпади рақси.

*Машраб (йиғилиб, ўйин-қўлгу, бади қилиш маъносини беради)  
рақсларидан:*

1. Халқнинг “Гул ва чой” машраби.
2. Қумил халқининг “Майса” машраби.
3. Кучарликларнинг “Нағмали” ўтириши. (Ашулачилар, мусиқачилар, раққосалар бирга айлана ёки ярим айлана бўлиб ўтириб, навбат билан ижро этишади).
4. Хўтанликларнинг “Чинилик” ўтириши.
5. Яқинликларнинг эркак-аёлларнинг қўшиқ айтиш машраби.
6. Қоғилик элининг “Қиз-йиғитлар” машраби.
7. Качук элининг машраби.
8. “Пуата” (ёпиғичиқ ташлаш, рўмол ташлаш) ва бошқа касблар доирасидан иборат рақслар.

Уйғур халқ рақси ҳар хил машраблардан ташкил топган. Бу халқ ашулалари мушонаралар қилиш, қўпчак айтиш, байт ўқиш, мақол айтиш ва машраб қонда йўсинлари, машраб интизом жазосини қўллаш каби шаклларни ўз ичига олади.

Уйғур халқ рақслари бебаҳо меросини Қиредаги яўғичонлик халқ раққослари бизгача етказиб берган. Ражаб ака, Қорақош ноҳиясидаги халқ раққосаси Судихон “Пир рақси”ни, Хўтандаги Турсун Соатчи “Дал”(доира) рақсини, Абдуқодир Мўнда, қашқарлик Абдуқодир Ҳожим, Топпулат Оқбарот, Хайриёсо Тўланди, Хошиқон, Кучарда Жуза (хонтахта) устиди Холчиқон, Робихонлар Элда “Чинин тахса” рақсини ўйнаб келганлар. Эл халқидagi Мансур-жон Оқсоқол, Обобақир, Қумилдаги Қотвоқам, Амет Қалтис ва бошқалар халқ рақсининг ворисларидир.

Атоқли уйғур халқ раққосаси Қамбархоним халқ рақсларига сайқал бериб, ижод қилган. “Озод қиз”, “Қизил байроқ” рақслари озодлик учун кураш рақслари ҳисобланади. “Чинин тахса”,

“Ногора”, “Пахтакор қизлар”, “Рўмол” ва бошқа рақслар шу рақслардандир.

“Ногора”, “Қишлоқ дая (доира)”, “Қовун терил”, “Париёда тақса” рақслари VI Дунё ўқувчи ёшлари фестивалида II мукофотга эга бўлган. 1959 йил 28 июлда фестивалда Ойтулла ижро этган, Ёлдош Ҳожин Раҳмон саҳналаштирган “Узум узил” рақси олтин медалга сазовор бўлган. Бундан ташқари “Жанон чинисиди”, “Бежин (Пекин) чойи”, “Бола боқувчи”, “Шинжон хуши” каби рақслари Ёлдош Ҳожин Раҳмон саҳналаштирган энг кўзга кўринарли рақслари ҳисобланади. Ҳозирги кунда ёш иқтидорли раққосалар ушбу рақсларни ижро этиб келмоқдалар.

### 1.3. Рақс ва мусиқанинг муносабати

Мусиқа овоз санъати, рақс ҳаракат санъати, дейилади. Маълумки, рақс ҳар хил ҳаракатлар воситаси орқали бизга кишиларнинг кайфияти, ички ҳаётларининг, курашчан турмушдаги маънавий дунёсини ифодалаб беради. Демак, рақс – кишиларнинг туйғуларининг ифодалядиган санъат воситасидир. Бу хилдаги ҳаракатли ифодалаш шаклини биз “рақс тили” ёки “рақс” деб атаймиз. Бу эса аниқ, тўғри бажарилган ҳар хил рақс ҳолатлари, ҳаракатлари ва имо-ишораларининг органик бирлашувидан ҳосил бўлади. Рақс санъатининг алоҳида шакли бўлиб, бошқа санъат турларидан, асосан, асарнинг воқеасини гадалантиришда таянладиган воситаларининг ўзига хослиги билан фарқланади. Театр тилга таянса, опера овозга таянади. Рақс бўлса мусиқа ёрдамида одам танасининг ҳаракати орқали образ яратди. Рақсдаги ҳаракат худди адабиётдаги сўзга ўхшаш бўлиб, ундаги “Сўз” ҳаракатлар орқали шу миллатнинг ўзига хос руҳий қиёфаси ва миллий характери ифодаляди. Рақс санъатидаги миллий шакл жонг маънода шу миллатнинг ўзига хос турмуш тарзи, урф-одатларига боғлиқ бўлиб, миллий воқеани, ахлоқий ғазилатларининг, диний эътиқодининг кўрсатиб беради. Уйғурча рақсларда ритм, зарб, вазн ихтиётда равшан, рақс ҳаракатлари эса гўзал, нафис, таъсирили ва равшон келади. Уйғур халқ рақсидаги хилма-хил имо-ишоралар, қош учириниш, кўзининг имо ташлаши, бадан жилваси, нозик эгилишлар, кўринишларнинг мардона қиёфаси, қалдирғочдек жавлон уриб чарх бўлиб айланмишлар, аниқ бир қиёфада бир зум тўхтаб қолиш каби ҳаракатлари бошқа миллат рақсларидан фарқ қилади. Масалан, ўйланмиш, жалб қилиш, жилва билан хаваслантириниш, ой юзига рўмол

тўсиб, ўзига ром қилиш каби бир қанча нафис ҳаракатлар чуқур мазмунини ифодалаш кучига эга.

Уйғур рақсларининг доира, лирик, ашулалар, гуруҳли, хурсандчилик, машребларда эса давра рақслари каби турлари мавжуд.

Бундан бир неча минг йил олдин “Шинжон” деб номланган китобда кўрсатилишича, “Юракда туйғу бўлса сўз чиқади, сўз орқали оҳ чиқади, ушдан кейин эса ҳаракат чиқади”, деб ёзилган. Уйғурларда қарнай-сурнай, нора, доқа-дўмбоқ каби созларсиз тўй-томоша ва тантаналар ўтмаган. “Мумтоз 12 маҳом” уйғур халқ мусиқасининг онаси бўлгандай, халқ рақсларининг гули “Санаи” усулидир. Рақс мусиқалари асосан дoston, маҳомдаги соқнома, жўла, тайза, санаи, марғул ва бошқаларга тўпланган оҳанглардан иборат. Ўтган даврда Яқанда маҳомга рақс ижро этилган. У шунчаки рақс бўлмасдан, мусиқа тафаккурига туйғулм ҳаракат мослаштирилиб (яъни, сўз камлик қилганда нозик ҳаракатлар орқали мантқий фикрни тасвирлаб) рақс ижро этилган. Бу рақслар воқеан халқ рақси мусиқаси билан бирлашганидан кейин ўзаро тақомиллашиб, санъат ижодиётининг вазифасини биргаликда ўтайди. Улар ҳақиқий туйғу, ҳиссиёт ва теран мазмунга бадний образ кучига эга бўлгачгина одамларни чуқур таъсирлантиради. “Санаи” рақсларининг мусиқалари ўз қонуниятлари билан тартиблантирибгина қолмасдан, рақс воқелига билан шахсий характери, туйғу-ҳиссиётларини очиб берилда кишиларни ўзига мафтун қилади.

Масалан: “Қашқар санаи”, “Ўлк санаи”, “Қумул санаи” қадим ташлаш, нозиклик билан юриш каби ўзига хосликларга эга бўлган гўзал гуруҳли рақслардир.

#### **1.4. Уйғур халқ рақс санъати мактаби асосчиси Қамбархоним ҳаёти ва ижодий фаолияти**

Қамбархоним онасини биринчи устозин деб билади. Чунки онаси моҳир рақсчи бўлганлиги боис қизига уйғурча рақсларни ижро этиб берад эди. Қамбархоним онасининг ижро этган рақсларини томоша қилиб, ҳайронга лол қараб қолар эди. Шундай вақтларда у уйғур халқ рақс санъатининг кунт билан ўрганишини дилига тугиб қўйган эди.

Қамбархоним уйғур халқининг машҳур созанда, хонанда ва бошқа санъаткорлари орасида ўз ҳурмат-эътиборига эга бўлган рақсчи бўлган. Унинг фикри ҳаёли ўзининг севган касбида эди. Йигитлар унинг гўзал ҳусни-жамолига қараб, ошдиқ беқарор бўлиб

қолардилар. Лекин бирортаси ҳам юрак ютиб, дилидагини изҳор қила олмади. Онахонлар уни кўриб: “Шундай келининг бўлса-я” деб орзу қилардилар.

Аммо Қамбархоним буларга бепарво эди. Йигитларнинг гапларига эътибор бермас, ўз касбидан, қолаверса, онасидан, синглисидан ажрелиб, она хуришони хоҳламас эди. Қушларнинг бирнда, Тошкентнинг тараққийпарвар кишиларидан бири Салой ҳожини ўғли номидан совчиликка келади. Унинг ўғли Қодир Афанди ўрта Осиё Давлат университетининг иқтисод соҳаси бўйича таҳсил оларди. Қодир Афанди ўша даврларда Шинжондан келган талабаларга ёрдам бериб юрган ва улар билан яқин дўст бўлган. Қодир Афандиники тақлифи Қамбархонимнинг онаси Зўрхон онага маъқул тушади ва тез орада уларнинг тўйлари бўлиб ўтади. Қамбархоним кўпчилик уйғур қизларга ўқшаб Қодир Афандиники ҳурмат қилиб, аҳил ва иноқ яшади. Қизин Улуғхоннинг турмуши бу овлага чексиз шод-хуррамлик олиб келди. Улуғхон бир ёшга кирганда Москва мусиқа ва рақс институтидан уч киши ноёб истеъдод эгаларини танилаш учун Тошкентга келадилар. Бундай имкониятни бой беришни ҳеч қайси раққоса хоҳламас эди. Танловга қатнашган қирққа яқин қизларнинг ичидан учта қизин танилаб оладилар. Уларнинг ичиди Қамбархоним ҳам бор эди. Москвада ўқиб Қамбархонимнинг бир томондан хурсанд қилса, иккинчи томондан ўйлантириб қўйди. Чунки Қамбархонимнинг севган касбинини деб она ва боладан йироқлашниш ёки онами уйлаб касбидан воз кечини муаммоси қийнар эди. Негаки, унга шараф келтираётган раққосалик касби ундан ҳар кун, ҳар соат, ҳар дақиқада ўрганишини, олра илтилошини, янгилик яратишни талаб қиларди. Москвада машҳур ва атоқли санъаткорлардан ўрганиб, рақс санъатида юксак муваффақиятларга эришишни, ханда камолга етилишни мумкин эди. Лекин қизи ёш бўлганлиги учун онаси а ташлаб кетишни ҳам истамасди. Бир қарорга келиш жуда қийин бўлди. Қамбархоним ўз муаммоларини Москвадан келган мутахассисларга маълум қилади. Улар эса бу муаммони ечиб, қизи ва онасини ўзи билан бирга олиб кетишни мумкинлигини, синглисини эса ўқришга жойлаштиришни таклиф қиларди. Уларнинг таклифи турмуш ўртоғи Қодир Афандига ҳам маъқул келади.


Москва мусиқа ва рақс институтини жуда кўплай истеъдодли санъаткорлар келиб ўқийдиган даргоҳ бўлган. У ерда Қамбархонимга донин бутун жаҳонга кетган балет устаслари, профессорлари

таълим берадди. Соҳлари сарғиш, кўзлари кўҳ ўқувчи қизлар орасида Қамбархоним алоҳида ажралиб турар эди. У ҳақиқий уйғур қизи эди. Қамбархоним нотаниш элда бошқалардан қолмаслик учун тиришиб, талабчанилик билан илм олди. Агар тиришиб ўқимаса, ўзи билан бирга ўқийдиган қизларга етишиб олиши қийин бўлишини билар эди. Бу ерда русча рақс, балет ва жаҳон халқлариникинг рақслари ўргатиладди. Қар миллатиникинг ички қиёфаси, ҳаракатлари, ҳиссиёти, психологияси ифодаланадиган рақсларини ўрганиш қийин бўлсада, Қамбархоним уларни ўзлаштириш учун тинимсиз меҳнат қилди. У бир тарафдан ўқиб билим олган бўлса, иккинчи тарафдан рақс саҳналаштиришни бошлади.

Хуллас, Москвадаги ҳаёт унинг учун уқутилмас қуилар бўлиб қолди. Кремлда қурултой қатнашчиларига атай уюштирилаётган концертда қатнашишга мукоссар бўлди. Бу концертда атоқли балет устаси Галина Уланова билан бирга бир саҳнада рақс ижро этди. Қамбархонимнинг онаси Зўрихон қизининг соҳларини майдалаб ўқиб, уйғурча рақс кийимларини кийдириб, унинг атрофида парвона бўлди. Бир тарафдан қизининг бахтидан, омадидан хурсанд бўлса, бир тарафдан қизининг рақси томошабинлар томонидан қандай кутиб олинар экан, деган андишала эди.

Ниҳоят, саҳнага чиқиш навбати Қамбархонимга келди. "Қашқар қизин Қамбархоним "Нимпада" рақсини ижро этади", деб эълон қилинди. Катта саҳнанинг кўзини қамалтирувчи жиловли пардалари очилди. Томошабинларнинг кўзлари саҳнага тикилган. Қамбархоним ёқимли мусиқа садоси остида саҳнага чиқди. Унинг толқинвичдай беллари, сарадек ҳомати, узун соҳлари, ёқимли қиё боқиншлари томошабинларини ўзига ром қилди. У оқудек ситил, ларзон қиёфада, хон қизларига хос савлат билан рақсини давом эттиради. Рақс тугади, Қамбархоним томошабинларга чуқур таъзим қилганда олқини садолари узоқ давом этди. Томошабинларнинг талаби билан яна бир рақс, ўзбекча "Сокта уфори" рақсини ижро этди.

Муҳлисларнинг олқини раққосани ҳамisha илҳомлантириб келди. У ўз рақслари билан уйғур миллатиники, салғатини ва рақсларини халққа таъитди. Атоқли тилшунос, тадриқотчи Эмин Турсун Ҳожин Қамбархонимнинг Москвадаги фаолияти ҳақида шундай дейди: "Қамбархоним Тошкент рақс мактабида рақс, Москвада балетини ўргатган, Россияда бир ҳужжатли фильм ишланган экан, мен шу фильмин кўрганман. Бу фильм "Катта концерт" бўлиб, унда



жуда кўплаб маъмур артистларнинг номерлари бор. Улар орасида Қамбархонимнинг уйғурча "Нилпада" ва ўзбекча "Солта уфори" рақсларини янроқ этаклаб кўриб жуда қаттиқ таъсирландим."

Қамбархоним Тошкент, Олма-Ота, Москва ваки кўплаб шаҳарларда ўриган ва хизмат қилган буюк санъаткор ҳисобланади. 1951 йилда Қамбархоним Шинжон Санъат институтида Уйғур рақс санъати бўлимини очиб мақсадида "Уйғур рақс дарслиги"ни яратди. Ушбу дарслик асосида 1951-1955 йилларда Шинжон Санъат мактабида доцентлар Зайнаб Собит, Раъно Махсуд, Салима Ҳазлар "Санъат мактаби рақс дарслиги"ни яратдилар. 1960 йилда Облимит Илс, Абдурахмон Ахат, Облимит Амат, Зайнаб Собит, Омина Ғоли тузган "Рақс касби дарслиги"га асосланиб рақс мактаби тузилди. Яратилган ушбу дарсликлар Санъат институти, санъат мактаблари, ашула ва рақс ансамбллари, артистлар етиштирувчи курслар учун беқийс қўлланимлар бўлиб қолди. Қамбархоним ташаббускорлигида ташкил этилган Шинжон рақс санъати мактаби ва Шинжон Санъат институтидаги Уйғур рақс санъати бўлимида жуда кўплаб иқтидорли рақсчилар етишиб чиқиб, рақс ансамбллари тузилди. Олс шаҳарларда концерт беришда Қамбархоним ёши улс бўлишига қарамай улсрга ҳамроҳлик қилар эдилар. Шундай концертларнинг бирида ансамбль Турпан, Тўқсуқ, Корда, Кучар шаҳарларида бўлади. Концерт охирида Қамбархонимнинг номини эълон қилинишидан токи рақс тутагунича тинчсиз оққишлар давом этиб турган. Унинг рақсига тўймаган халқ рақсдан кейин давомли қарсақлар чалган. Шунда Қамбархоним қисқа сўз айтган: "Санъатсевар, санъатхумор Кучар халқиға раҳмат. Бу дийр санъат ишқиде ёнаётган бир ўт, олов. Бу остоида узоқ тариқдан буён Кушон маданиятиғини сақлаб келган, қазиб туталмайдиган, ёзиб туталмайдиган халқ санъаткорлари етишиб чиққан. Кучар рақслари жуда нафис, чиройли. Холчиҳон менинг устозим. Мен "Чини таҳса" рақсини Холчиҳондан ўрганганман, бу устознинг юртиға, Кучар халқиға таъзим қилгани, раҳмат айтгани келдим".

Яна бир сафар, Қашқарда халқнинг ҳажжонини кучайгандан-кучайди. Муסיқа чалиниб, унинг рақсини бошлангани биланоқ олқишлар янграй кетди ва гулдасталар саҳнани тўлдирди. Шунда Қамбархоним халққа қароб, "Оҳ халқим, сен санъатини руҳий озқиде, санъаткорини эса фаришта деб биласан, ўз санъатиниғини ўзиниғини севгандай севсан, санъатиниғини севиш, санъаткорлариниғини ҳурмат

қилиш бўлмаганда эди бизнинг санъатимиз бундай гулламаган, дунёда шон-шарафга эга бўлмаган бўлар эди, сенга ташаккур халқим,” дейди. Албатта, бу шунчаки баландпарвоз гаплар эмас, раҳҳоса дилидагини тилига кўчириш эди. Қадимги раҳс саҳналаштириш фаолиятини жслаб, Турсун Тўхта Афанди шундай хотирлайди: “Қамбархоним раҳси икки даҳиқалик бўлса-да, икки соат олдин келиб гримм қилиб, раҳсини машқ қилиб олар эди. Унинг томошабинларга бўлган ҳурмати бошқаларга ўрнэк эди.”

1992 йил 25 декабрда Уруғчи шаҳрининг катта халқ саройида “Қамбархоним Санъат жамияти” фонди ташкил этилишининг таътанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда буюк, атоқли уйғур санъаткорлари иштирок этдилар.

1994 йил 13 январ куни Қамбархоним мангу уйғута кетди. Уйғур халқи ва санъат аҳли уйғур халқ раҳс санъати асосчиси, атоқли раҳс пешвоси, суюқли устозидан айрилди. Уларнинг қалбида жудолмик ўти ёнди.

Қамбархоним ўзининг 60 йиллик санъатга бахшида умрида ранг-баранг раҳслардан гулдасталар қолдириб кетди. Раҳҳоса халқ бир кўришни орзу қиладиган ва олқишлайдиган санъаткор эди. Қамбархоним уйғур раҳс санъатини юксак чўққиларга кўтари олди. Қамбархоним ўз ажридан мева ўстириб, санъат гулзорини хуш гулларга тўлдирган ва шу гулларнинг тожи бўлиб кетгиларнинг биридир.

### **1.5. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Холмисов Қодированинг уйғур раҳс санъати қақидаги фикрлари**

Мен Қашқарда туғилганман. 6-7 ёшлик чоғида Қашқарда Робинхоним, Хайринисахоним, Хамрохоним каби эл ичиди машхур раҳҳосалар бўлар эди.

Уйғур раҳсларини худди сувада сузиб кетаётган оқрушга, гўзал товусга ўхшатишади. Дўппига товуснинг чиройли патлари қўйилиш, қизлар раҳс қўйлақларининг этаги товус патларини ёйганидек кенг бўлиши ва ранго-ранг товланиши унинг тўмсолқидир. Айниқса, турли хил тож шаклидаги қимматбаҳо дур ва тошлардан иборат қизлар бош кийимин ўзбекча тиллақошдан фарқ қилади. Уйғур раҳси нозли кўз қарашлари, қош учирешлари билан, сочлари, елкалари, гавданнинг гўзаллигини намоён қилиб, эркаланиб ижро этилади. Масалан, оёқни уч қадам олдинга ташлаб, кейин орқадаги оёқни ерга

бир уриб қўйишлар уйғурчага хос оёқ ҳаракати эканлигини кўришимиз мумкин. Илгари раққосаларнинг бармоқларини эгиловчан, юмшоқ бўлсин деб рўмолчаси билан орқага қайтариб қўйилар эди. Уйғур санъатида “12 мақом”, “6 мақом” номини олган улкан мусиқа меросини жаҳон тан олган. “6 мақом” “Дўлан” усули дейилади. Бу рақсни эркак ва аёллар жуфт бўлиб ижро этгавалар. Бундан таппари масжид ва мадрасаларнинг баланд пештоқда 10-20 талаб харнай-сурнайчилар, доира ва ногорачилар мусиқа чаладиган “Ҳайткор” деб номланувчи катта майдон бўлган. “Само” рақси деб номланувчи бу рақсларни рўза ойларида эркаклар саҳарлик қилиб бўлиб шу майдонга чиқиб, қўлларини юқорига кўтариб, кейин пастга тушириб сакраб-сакраб ижро этгавалар, худди Аллоҳдан тинчлик, ризқ-рўз, соғлиқ талагандай, унга сиқингандай ҳаракатлар бажарганлар. Рўза ва қурбон ҳайити кунларида эса “Ҳайткор” майдонига бутун халқ байрам қилгани йилган. Эркакларнинг ижро этгавган “Само” рақсини болалар, аёллар, қаришлар атайлаб томоша қилгани чиришган. Яна қадимги халқ рақсларидан эчки иқбобини кўйиб, ҳазил-мutoйиба билан ижро этиладиган “Ўшқа” рақси, қайроқ тош билан ижро этиладиган “Дош” рақсларини халқ севиб ижро этган. Аёлларнинг 40 ёшдан уттадан кейинги “Соч қўшоқ” деб номланувчи рақслари ҳам бўлган.

Мустиқиллик шарофати билан Ўзбекистон-Хитой маданий ҳамкорлиги йўли қўйилиб, 1992-1993 йилларда Шинжон Уйғур автоном ўлкасининг машҳур «Гаутан» ашула ва рақс ансамбли “Халқлар дўстлиги” саройида ва Андижон, Самарқанд вилоятларида концерт берган. Бундан ташқари Ўзбекистонга қарийқий уйғур рақс санъатини намойиш этадиган фильм-концертлар кириб келди. Шундан сўнг уйғур рақс санъатига балетмейстерларимизнинг қизиқарли янада ортди. Ўзбекистонда илк бора устозимиз, Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоева ва унинг шогирдларидан бири, уйғур қизин Флорида Низамутдинова уйғур рақсларини ижро этиб келган. Уйғурча рақсларни қозирги кунда Флорида тўғри ва маромига етказиб саҳналаштириб келмоқда. Мен Флорида билан М.Турғунбоева таништиргавилар. Мен М.Турғунбоеванинг тақдифи билан 1968-1972 йилларда “Баҳор” ансамбли билан концерт гостролларида борар эдим. Шундай гостроллардан бирида Фарғонада сафарда эдик. Мукаррама опа менга: “Менинг қизларимнинг ичиде уйғур қиз ями ҳам бор, таъйисизми?” деб

сўрадилар. Мен: "Йўқ таянмайман" дедим. Шунда она бир қизни чақирдилар. Биз ўтирган хонага чиройли, қадди-қомати келишган, сочлари ўзига ярашиб турган, истараси иссиқ бир қиз жилимайиб кириб келди. Сўхбатда унинг Фулжалик маданиятли ва эъли Абдулҳақ Мусабоевлар оиласидан эканлигини билдим. Шундан кейин гострол сафарларида унга эътибор билан қараб, унинг интизомли, камтарин, одоблилигини сездим. 1973 йилда менинг фильм-концертим суратта олинадиган бўлиб қолди. Шунда "Оттуш", яъни ҳозирда "Тулойим" деб аталадиган ашуламга Флорида рақсга тушишни талаб қилдим. Унинг рақси элта манзур бўлди. Шундан кейин Флорида ансамблда яхшакон раққоса сифатида рақсга туша бошлади.

Флорида Ўзбекистон ва Қозоғистонда яшаб, икки эътиб келаётган уйғур раққосалар ичида унвон олган биринчи раққоса бўлди. У оиласини ҳам, севган касбинини ҳам ўз ўрнида эъзоллаб келаётган санъаткордир. У онлада севимли ёр, меҳрибон она бўлса, санъатда истеъдодли раққоса ва балетмейстер, репетитор сифатида эл ҳурматиға сазовор бўляб, ўзидаги бор билимини, рақс бойлиқларини ёшларға ўргатиб келмоқда.

"Уйғур халқ рақс санъати" ўхув-қўллаюмасини айни пайтда жуда керакли ўхув адабиётни деб биламан ва бу ишлари учун Ўғиллой Мухамедовадан жуда хурсандман.

### **1.6. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Флорида Низомутдинованинг ҳаёти ва ижодий фаолияти**

Флорида Низомутдинова ҳақида профессор Розия Каримова: "Флорида уйғур рақсининг Ўзбекистондаги юлдузидир" деб бежиз таъриф бермаганлар. Рақс санъати шайдоси Флорида 1949 йилда Фулжа шаҳрида туғилган. У ёшлтигдамоқ рақсга меҳри бевланганлиги сабабли рақс санъати йўлиға қадам ташлади. Рақсиз келажакини тасаввур қиля олмайдиган Флорида дастлаб мактабда, кейин Фулжадан Урумчиға келиб, Шинжон Санъат институтининг Уйғур санъати "Уйғур рақси" бўлимида уйғур рақс санъати мактабининг асосчиси Қамбархоним ва унинг шоғирдлари, доцентлар Зайнаб Собит, Салимахошим Ҳаз, Раънохоним Махсуд тәлимини олди. Ўқитиш битириш варафасида ота-онасининг қистови билан Урумчидан Фулжаға қайтади ва "Санъатдан кетдим шекилли, энди

қайта олармизанман” деб қаттиқ афсусланади. Кейин Ярақат шаҳрида яшаган вақтларида дугоналари билан қулашпачоқ ўйнаб юриб қаттиқ Яқчиларди, аммо оғриқни сезмайдди. Аксинча, “Рақс, рақс, рақс” деб урадиган юрагида шилликиш натижасида қолган юзидаги доғларни кўриб, “Хунук бўлиб қолдим, энди раққоса бўла олмаймаман” деган кўраув пайдо бўлади. 1963 йилда ота-онаси билан Қирғизистонга кўчиб келади. Шу йили Фрунзе, ҳозирги Бишкек шаҳрида уйғур ёшларидан ташқил топган санъат ҳаваскорларининг ансамблида ишлай бошлайди. Концертларда рақс ижро этиб юришларидан ҳам қониқмаган Флорида “Энди катта сахналарга чиқа олмастманман”, деб афсус ва надоматлар чекади. Аммо орзулари уни ҳамон катта сахна томонга чорларди. У ўзининг мақсади йўлидан қайтмади. Бу ишда унга куч берган нарсаси бу, болаликдан юрагига маҳкам ўрнашиб олган рақс санъатига бўлган меҳри эди. Бундай кучли меҳр Аллоҳ томонидан муносиб тақдирланиб, Флоридани М.Турғунбоевадай буюк нисон билан учраштирди.

“М.Турғунбоева билан учрашган куним – дейди Ф.Низомутдинова – ҳаётимдаги энг бахтли куним бўлган, Аллоҳга шукроналар айтаман.” “Баҳор” ансамблининг Фрунзе шаҳрига келиши Ф.Низомутдинова учун унутилмас кунлар бўлиб қолган. Чунки М.Турғунбоева билан учрашмишдек кўп йиллик орзуси амалга оширишдан жуда бахтли, шодлиғи оламга сирмас эди.

Бу учрашувни Ф.Низомутдинова шундай хотирлайди:

“Баҳор” ансамбли уч кун концерт берган эди. Мен ҳар кунни уларнинг концертига машаққатлар билан чипта топиб, такрор-такрор кюрдим. “Баҳор” ансамблининг моҳир раққосалари ижро этган ўзбек рақс санъатини мароқ билан томоша қилдим. Биринчи кунги томошабинилар қаторида зўр ҳаяжон билан ўтирган эдим. Саҳнага қадди-қомати келишган раққоса чиқиб, кенг доира ҳосил қилиб, узоқларга кўз тикар, умидворлик билан ним табассум қилиб ниманидир ҳаширар эди. Шу дамда мен ўзимни унутиб қўйган эдим. Бу эди М.Турғунбоева экан. Залда ўриндиқларга сирмай зналарда турган томошабинилар “Баҳор” ижро этаётган рақсларини олқишлаб, гуллар бердилар. Мен эса фикру ҳаётимда ўзимни “Баҳор” раққосалари билан сахнада ҳис қилдим. Ҳаётимда биринчи марта қийин вазиятга тушибман эди. Эртасига концертдан олдин, уларнинг репетиция пайтида юрагининг тубидан жой олган, менга тинчлик бермаётган орзумни билдиришининг айни вақти эканлигини сездим.

Учрашмасам охириг умидимдан ҳам айрилишямини билдим ва ўзимда куч топиб, саҳна ортига ўтиб машҳур раққоса М.Турғунбоева билан учрашишга ҳатъай қарор қилдим. Саҳна ортига чиққанымда репетициядан чарчаганига қарамай унга тикилиб турганимни сезиб, “Сиз раққосамисиз?” деб сўрадилар, мен билан самоний суҳбатлашдилар. Маҳсадим ва орзуларимни жон қулоқлари билан тингладилар.”

Бу унутилмас суҳбат сўнгига М.Турғунбоева қизга, унинг нозик бармоқларни, куш табассумига синчиклаб қараб, ниятқилик билан ўзидан жавоб кутаётганини сезгач, уни бир синиб кўриштини айтдилар. Флорида М.Турғунбоева олдида катта нигтиҳондан ўтди. Аллоҳ “Энг охириг имконият, шундан фойдалан” деб юрагига солди ва унга куч-қувват, илҳом берди. “Баҳор” ансамблининг 40 та раққосаси, созандалари, донандалари олдида текшириб олганларида ҳаёқолланмай, кўркмай айтган вазифаларини бажарди.

Ўзбекистон халқ артисти Қаҳрамон Дадаевага докрани чапишми, унга эса айлакишларни бажаришни бутордилар. Флорида бир жойда ўнг ва чапга ҳамда уйғур рақсларида кўп учрайдиган “Шох” ҳаракати билан катта айлана бўйлаб айлакиб берди. “Тановар”. “Андижон полхаси” мусиқаларига ва уйғурча рақсга тушди.

Шунда М.Турғунбоева: Флоридага юзланиб, “Мен сизларнинг дийрнигизни жуда яхши биламан. Қалқар, Хўтая, Ёржент, Оқсув, Фулжа, Турпан, Шинжон автоном районида ўқиваш катта шаҳарларда бўлганиман. Уйғур халқининг рақе санъати билан ҳам яхши танишман. Уйғур рақслари шўхлиги, нафислиги, силлиқлиги, хисома-хиллиги, кенг мазмун ва мураккаб ҳаракетларга бойлиги билан ажралаб туради. Мана, ҳизим ҳозир сен кўрсатган рақсинга қараб, мен бундан бир неча йиллар олдини кўрган уйғур рақсини аяа бир бор кўз олдимга келтирдим. Чунки сен уйғур рақсининг атоқли раққосаси Қамбархонининг шоғирли жандининг шуни кўрсатиб турибди. Агар ота-онанг қаршилиқ қилмасалар мен сенинг орзуларингга рўёбга чиқариш учун “Баҳор” ансамблига қабул қиламан” деб унинг тақдирини узил-кесил ҳал қилдилар. Ота-онаси ҳизига қаршилиқ қилмади ва унга оқ йўл тилади. Концертининг учинчи куни кечкурун “Баҳор” ансамбли билан поездага ўтириб, Тошкентга катта санъат даргоҳига кириб келди. Ўзи учун бегона бўлган юртда, ота-онасидан йироқда янги ҳаёт бошлаган бўлсада, орзулари амалга ошаётганидан хурсанд эди. Устозин М.Турғунбоева: “Сен ҳеч қачон

бошингиз эгмагин, ҳаминша балайд туттин, чунон сен уйғур халқининг ҳурматига сазовор бўлган эишлар оиласи бўлмиш Абдулҳақ Мусабоевлар авлодидамсан, олган тарбияниг, истеъдодиниг, касбинига ва оилаига бўлган садоқатиниг, тиришқоқлигиниг, ҳақиқий меҳнатиниг орқали ўз обрўйинига эга инсонсан", дедилар. Флорида ўзига ўхшаган рақс с.нъати шайдолари билан тезда киришиб кетди. Лекин, бу ерда талаб кучли бўлиб, пешона тери тўкилмаган жойда санъатиниг вужудга келиши мумкин эмаслигини яхши билган Флорида раққосалар билан тенгма-тенг меҳнат қилиб, янада чиниқди. Флорида ансамблга келганидан сўнг биригичи ўрганган рақси бу устозни ўзи ижро этган "Қашқар қизи" рақси эди. М.Турғунбоева уйғур рақсининг сеҳрли оламини айнан уйғур қизи ижросида кўра олдилар ва бу рақсин Флоридага низоом қилдилар. Дастлабки йилларда уйғурча рақсларни ижро этиб, кейинчалик устозининг жон куйдиришлари, моҳир раққосалар Равшаной Шарипова, Ноила Баширова, Раззо Низомова, Тамара Юнусова, Валентина Ромацоваларининг ёрдами билан оммавий рақсларни ўрганиб олди ва тез орада яхкашон раққоса сифатида кўзга кўрнига бошладди. Ўша пайтларда репетитор бўлиб ишлаган Зуля Рахматуллаевадан рақсини ижро маҳорети сирларини ўрганди.

"Устоз М.Турғунбоева жуда ҳам олижаноб меҳридарё инсон эдилар. 1966 йилнинг охири 1967 йилнинг бошида Ҳиндистон, Покистон, Сингапур, Малайзия ва Афғонистон бўйлаб уч ойлик гастрол сафарига кетиш учун ҳужжатлар тайёрлаш вақтида мени ҳам шу гуруҳга қўшганлар, аслида мен эндигина "Баҳор" ансамблига келганим учун гуруҳга қўшмасалар ҳам бўлар эди. Лекин М.Турғунбоева "Мен уни ёлғиз қолдириб кета олмаيمان, оқ пахтага ўрагандай олиб бориб, олиб келаман", - деб мени ҳам шу гуруҳга қўшганлар ва менга "Сизни шунча талабгорлар орасидан танилаб олдим, энди ҳеч бўлмаса иккита рақсини тўлиқ ўрганиб олишингиз керак", - деб ишонч билдирдилар. Рақсларни ўрганиш учун ишдан чиқиб йўлда, пийда Чилонзордаги ётоқхонамизгача саноқ билан эслаб ўрганиб борар эдим. Ишда қўлиб ишласам кеч бўлиб кетгани, автобусда кўпчилик олдида нокулай, кўчада эса ҳеч кимга эътибор бермай ҳаёлда саноқ билан рақсини ижро этиб борар эдим. Устозимнинг ишончтини оқлаш учун ўз устимда тиришиб ишлаганман. Яхкадан кўра оммавий рақсларни масъулият билан ижро этар эдим,

чунки оммавий рақсдаги биттагина ҳаракат ҳам бутун ансамблга доғ бўлиши мумкин", деб эслайди Флорида.

Устози Мухаррама Турғунбоева ўз шоғирди ҳақда шундай дейди: "Флорида "Баҳор"га келиб қисқа давр ичйда жуда кўп рақслар ўрганди. Бу қиз тиришқоқлиги, рақс ўрганишдаги сабр-матонати ва маҳорати, ўткир қобилияти билан менга жуда ёқиб қолди. Ансамблизмиздаги бошқа қизлар қатори унинг ҳам ҳар бир оромбахш рақсларини томошабинлар завқланиб, ҳузурланиб, самсимий оқинишлар билан кутадиган бўлдилар."

"Баҳор" ансамбли Ф.Низамутдинова учун катта ҳаёт мактаби бўлди. У нафақат санъатда, балки шахсий ҳаётда эришган ютуқлари ҳам М.Турғунбоева кўрсатган барча рахшўрликларининг натижаси, деб билади. Устоз шоғирдига ҳамма ишда бош-қош бўлиб, ота-она каби меҳрибончилик қилди. Қозонистондан Ўзбекистонга гостролга келган театр раҳбарларидан бири Флоридани ўз театрига ишга таъин қилганда "Флорида ўзимизга ҳам керак", деб руҳсат бермаган. Уйғур қизининг Ўзбекистонга келиб қолгани, меҳрибон устози М.Турғунбоева уни ўз қанотлари остига олиши, ширингина оқласи ва севган касбига бўлган садоқати унинг буюк бахтидир.

"Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Холисхон Қодировани ҳам устозларим қаторига ҳўжам. Уйғурча рақсларни саҳналаштиришда, унга рақс либосларини таяшдада фигурларини сўраб, берган маслаҳатларига риоя қиламан. Ижодий ва шахсий ҳаётимда устозим М.Турғунбоева қаторида профессор Розия Каримова ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Холисхон Қодировалар ҳам мен учун бирдек жафо чекдилар. Ўзбекистонга келиб мен ўз бахтимни ва касбимни, касбим орқали эса ҳурмат-эътиборни топдим", дейди фахр билан Ф.Низамутдинова.

Рақсда сифатида ансамблда фаолият кўрсатган даврида дунёнинг жуда кўплаб мамлакатларида ўзбек халқи рақс санъати қаторида "Тулойим", "Қашқар қизи", "Узуи" каби уйғур халқ рақсларини ҳам ижро этди. Бу йиллар давомида Мухаррамахошим, Қундузхошимлардан ўзбек миллий рақсларини ўрганиб, "Ўйнасин", "Соқи номан савти халон", "Нодирабетим", "Ларзон", "Завқим келур", "Катта ўйна", ҳирғизча, покистонча, японча, арабча ва бошқа кўплаб миллиятларнинг оммавий ва яхса рақсларини ижро этди. "Баҳор" ансамбли ер юзидagi кўплаб халқларга ўзбек халқининг рақс санъатини таништиришдек буюк ишнинг ижрочиси бўлган бўлса, бу

ишда Ф.Низамутдинованинг ҳам ўзига яраша муносиб ўрни бор. Япония, Франция, Австралия, Янги Зеландия, Финляндия, Норвегия, Германия, Венгрия, Югославия, Польша, Чехословакия, Тунис, Ямаи, Малайзия, Сингапур, Туркия, Хитой, Африканистон, Покистон, Ҳиндистон, Россиянинг кўпгина ўлкаларида, Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон каби қардош республикаларда ижро этилган рақслар ҳаммаин бирдек ром айлади, десақ мубодила бўлмайдди.

Ф.Низамутдинова нафақат М.Турғунбоева раҳбарлигида ишлаган, балки унинг тарбиясини ҳам олган. Унинг олиб бораётган ижодий иш фаолиятидан, саҳналаштирган рақсларидан устозининг иш услуби ва йўналишларидек бой мактабининг тўлиқ ўзлаштириб олганини кўриш мумкин. Репетиторлик, балетмейстерлик фаолиятини олиб боришда Ўзбекистон халқ артисти Муҳаррама Турғунбоева, Ўзбекистон халқ артисти профессор Қундуз Мирқаримова, Ўзбекистон халқ артисти профессор Бернора Қорнева, Ўзбекистон халқ артисти Қодир Мўминов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Раззаовой Шарипова ва Ҳавоҳон Азизовалардан олган билимлари кўмакка келди. "Баҳор" ансамблида репетитор, шу ансамбль қошида очилган студияда раҳбар бўлиб ишлади. 1979 йилда Б.Қорневанинг маслаҳати билан биринчи марта А.Навоий номидаги опера ва балет театрининг 12 та балеринасига "Гулолим" рақсини саҳналаштирган. Болгарияда ўтган фестивалда "Ялла" ансамбли ижросидаги бу кўшнрда қўйилган ушбу рақс аяқловчи бўлган. Украинанинг Харьков шаҳридаги циркда "1001 кеча" эртагининг бир кўринишида қўлда қилич ва бошда стаканлар билан арабча рақсини саҳналаштирган ва у ердаги балетмейстерларнинг эътиборини қозонган.

"Ўзбекистон Давлат рақс ансамбли" бош балетмейстери Қодир Мўминов Флорида ҳақида ўз фикрларини шундай изҳор қилдилар: "Мен Флориданинг ижодий фаолиятини жуда қадрлайман, чунки унинг "Баҳор" ансамблидаги фаолияти билан яхши танишман. Унинг нафақат раққосалик, балки балетмейстерликка ҳам юксак иқтидори ва ҳобилияти борлигини сезганим сабабли бир неча марта рақс саҳналаштириш ишларига чақирганиман. Уни бу ишларга таклиф қилган вақтларимда "Сиздай тажрибали балетмейстери ўз ишларим билан қўйил қилдира олармиканман, сизга ишларим маъқул келармикан" деб андиша қилар эди. Флорида ишончлими оқлади. У

“Мустақиллик” байрамида ва бир нечта давлат тadbирларида Ўнгит ва қизларга хитойча, уйғурча рақсларни саҳналаштирди. Айниқса, 2005 йилда Шанхай, Пекинда ўтказилган Ўзбекистон маданияти кунлари концерт дастурига киритилган ҳар хил рангдаги шарфлар билан саҳналаштирилган хитойча “Чархалак” рақси хитойлик томошабинлар учун қўйилмаган рақс бўлди. Чунки ўзбек раққосалари хитойча рақсга тушишлари бир томон бўлса, юқинчи томондан рақснинг саҳналаштирилиш услуби уларни лол ва ҳайрон қолдирди. Рақснинг ижроси бошлангандан то охиригача томошабинлар олқишлаб турдилар. Флорида саҳналаштирган барча рақслар ҳаммаша менга маъқул келган, рақс саҳналаштирилишда унинг ўз услуби ва йўналиши бор. Ўзбек балетмейстерлари ва раққосалар томонидан ҳам унинг саҳналаштирган рақслари яхши кўтиб олинган. Уйғур рақс санъати ҳақида ўқув-қўлланма яратибган муаллимф ўғиллар ва Флоридада ҳам келгусидаги ишларида омад тилайман”.

Флорида раққосалик, репетиторлик, балетмейстерлик фаолиятида ҳаммаша устози Мукаррама Турғунбоеванинг йўналиш борди, маҳорати ва ўзига талабчанлиги билан юксак натижаларга эришди. 1973 йилда “Баҳор” ансамблининг 4 та яхши раққосалари билан биргаликда Берлин шаҳрида ўтган “Дунё ёшлари” студентларнинг X фестивалида қатнашган ҳамда лауреат бўлиб қайтган ва шу йили Болгарияда Ёшлар фестивалида иштирок этган. Кўплаб давлат, хусусан, Маданият вазирлигининг фахрий ёрлиқлари, совринларининг эгаси бўлган.

1991 йилда Ўзбекистонда таниқли ва тажрибали режиссёр Қўзйбой Ҳакимов режиссёрлигида Флорида Низамутдинова ҳақидаги “Флорида” деб номланган телефильм суратга олинди.

1992 йилда Мустақилликнинг I йиллигини нишонлаш арафасида “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” унвонига сазовор бўлди. 1994 йилдан 2006 йилгача Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида “Шарқ гузаллари” рақс ансамблининг балетмейстери бўлиб фаолият кўрсатди. У ерда турли шарқ халқларининг рақсларини саҳналаштириб, “Ўзбекистон Ватаним меним” кўрик-танловларида муносиб ўринларни эгаллаб келди.

Б.Р.Қориева “Ўзбектеатр”га раҳбарлик қилган даврда уларнинг тавсияси билан Туркияда бўлиб ўтган Халқаро фестивалларга икки марта жамоатга раҳбарлик қилиб Анкара, Измир, Анталия, Адана ва

бошқа кўплаб шаҳарларда концертлар бериб, у ерда мақтов ёрлиқлари билан тақдирланди.

Флорида "Баҳор" рақс ансамблига келганидан ҳозирги кунгача Ўзбекистон халқ артистлари М.Эргашева, Қ.Дўстмуҳаммедова, Р.Султанова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ҳ.Муҳамедова, Г.Фозилжонова, З.Мадрохимова, Г.Низомова, Г.Абдиева, О.Ёқубова, раққоса Ш.Фозилжоноваларга яққа рақслар, "Баҳор" ансамблига уйғурча "Қизлар қалби" деб номланган оммавий рақсини саҳналаштирди. Флорида 1996 йилда "Мустақилликнинг 5 йиллиги" умумхалқ байрамида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Холисов Қодирова ижро этган "Дўди" маҳомига ҳамда хитойча, уйғурча рақсларни саҳналаштирган. "Ўзбекистон", "Офарин", "Сабо" каби профессионал рақс ансамблларига, Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулсанам Мамазонтова, Азиза Ниёзметова, Феруза Жуманиёзоваларнинг яққалон концерт дастурларида яққа ва гуруҳли рақслар саҳналаштирди.

Тиниб-тинчмас, жонкуяр, ўз касбининг фидойиси бўлган Флорида Низомутдиновга тинчлик бермаётган навбатдаги иш - бу Ўзбекистонда уйғур рақс мактабини уюштириш йўли қўйиш бўлди.

"Ҳар бир халқ рақс мактабларининг бузилмаган қолда ўрганлиши ва ижро этилишини хоҳлайман. Шу маънода уйғур рақсини ҳам ўз маромига етказиб, унинг нозик сир-асрорларини тушунган ва билган қолда, уларнинг ўзaro фарқларини тўғри ажрата олиб ижро этилишини истайман", дейди Ф.Низомутдинова.

Ф.Низомутдинова онлада қайнона-онасининг азият келини, шифокор Ламитдин Низамутдиновнинг севишли рафиқаси, олий маълумотли бир ўғил ва яқин қўннинг меҳрибон онаси, ширин-шакар набира ва невараларининг ширинсўз бувисидир. Саккизи дўст, камтар нисон, изланувчан санъаткор Флорида Низомутдинованинг келажак авлод учун уйғур рақс санъати мактабини дратинддек улкан иш рақс санъати мутахассислари, талабалари, қўнувчилари дилдан жой олди. Хулоса қилиб айтганда, Ф.Низомутдиновани раққосалик, репетиторлик ва балетмейстерлик фаолияти билан ўзбек миллий рақс санъати ривожига катта ҳисса қўшган устоз санъаткорлардан бири, десаек яшатишмаган бўламиз.

## II БОБ. УЙҒУР РАҚС САНЪАТИНИ ҲРГАНИШ МЕТОДИКАСИ

### 2.1. Уйғур рақси асосий ҳаракатларининг атамалари ва лугавий маънолари

Рақс – қандайдир донра усулларига оёқ ва қўлларни ҳаракатта келтириб, одамларининг бир оҳангдан яқиничи оҳангга ўтгандаги қимирлашишдан иборат бўлган оддий ҳаракатлар тўплами эмас. У жамийи халқларининг урф-одатларинин, диний эътиқод ва ўткинчидаги турмуш тарзининг акс эттирувчи чуқур мазмун, бой шаклларга эга бўлган санъатдир. Умуман айтганда, рақс халқнинг ҳаётий йўлини, иқтисодий тарихини, тажрибаларини мазмунли ҳолда баён қилиб беради. Ҳар бир сарнавий, мумтоз ёки анъанавий халқ рақсларининг асосий ҳаракатлари ўзининг ўхшаш, мазмун ва баён қилиш кучига эга.

Қўл ва оёқ ҳолатларин ҳамда ҳаракатларин ўрганилганда қўл ва оёқ бир вақтда ўргатилади. Ҳолатларин баъарини қондаларин ва ҳар бир ҳаракатининг номларинин ёддан билиш зарур.

Уйғур рақс санъати ҳам ўз асосий ҳаракатларининг атамалари ва лугавий маъноларига эга.

1. “Силжиниш” - силжини юриниш, оёқни алмаштириб, олдинга чиқариб, силжини олдилади.

2. “Ўйланниш”- маъносилниш, изза тортиш, чуқур ўйга толниш.

3. “Жалб қилиш”- мафтун қилиш, каваслантанириш, ўзига тортиш, маҳлиё қилиш.

4. “Чавак чилиш” (Чалак чилиш) - олдишласи, ҳарини олиш, шодланиб енгил саклаш.

5. “Кўз ўйнатниш” - кўз сузиш, кўз ҳасиш, им қокниш, қокш ўйнатниш, кўзини ҳар томонга ҳаракатлантанириб ўйнатниш.

6. “Суратланниш” - рақс ёки ҳар бир гуруҳлашган ҳаракатларининг бирлашмаси охирида тўхташ, гавдалантанирилган ҳолатида тутайди. Масалан, “Шоҳ” ҳаракатидан сўнг тўхтаб бир муддат шу ҳолатда қотиб туриш.

7. “Гавдалантанириш” - бир шаклда турмоқ, аниқ образга кириш.

8. “Қанот эчиш”(Қанот қўл ҳаракати) - қулоч ёйиш, қанот қокниш, қанот очиш. Ярим ва бутун қанот очиб парвоз қилиш.

9. "Ғулоч отмоқ"(алмаш қўл ҳаракати) - қулоч ёйиш ва ёпиш (ичкаридан ташқарига ва ташқаридан ичкарига, "гулбарги" ҳаракатига ўхшаш).

10. "Юган тортиш" - от тизгинини тортиш, юган илтиш, қамчи ўйнатиш ("Нозиркум" ҳажвий рақсида ва от устида қилинчи ўйнатиш ҳаракатлари билан ижро этилади).

11. "Қиёпат"(Қиёфали ҳаракатлар) - рақс ижросида ифода қилиш баёнига асосан қиёфе ўзгаришини асаш, яъни ваҳима қилиш, дард, нола, ажабланиш, шодланиш ва бошқалар.

12. "Турлаш" - рақс ҳаракатларининг тугалланмай ўзгаришини билдиради.

13. "Образ" - рақсда персонажларнинг хусусиятларини сурат хаби аниқ равишда кўрсатмоқ.

14. "Бел эгиш" - қизлар рақсларида тўлғонишлар, эпчил, нозик, чақдон ва ихчам эгилишлар.

15. "Хиром жилаа" - жойлаланиб, мафтун қиладиган гўзал тана ҳаракати.

16. "Йўрғалаш" - йўрғалаб, илдам, тез, лексин силлиқ юриш.

17. "Ўргалмак" - ўгирилиш, чўлғониш, чарх бўлиб бир жойда айланиш.

18. "Чекинмиш" - олдинга илдам қадам қўйиб, дарров орқага қайтиш, чекинмиш.

19. "Санам" - қиз-йигитлар биргаликда елкама-елка орқаси билан туриб ҳаракатланади.

20. "Зулпи"(тал-талчач) - соч доналари кўп ўрилган бўлиб, "Соч жилаа" ҳаракатлари билан қўлнинг айтаиб ижро этилади.

21. "Бўйин эгиш" - рақсда гўзал зебу зийнатлари билан гўзал жамолини намойиш этиш ва имо-ишора қилиш.

22. "Чипчима" - сочиб олиш, елпиш, бурдой ўримида чолғи билан ўриш.

23. "Оралаб юриш" - йўл оралаб юриш, қатор оралаб юриш.

24. "Тертма"(сирилма) - ёнга чайқалиб, ташланиб юриб, кейин эса салгина олдинга ташланиб орқадан силкиниб олиш.

25. "Нозин" - нозиклик, назокатлик, шўх нозлик, латофат, нафислик, сезувчанлик, зийраклик.

26. "Тантана" - тантаналилик, романтик ҳисси.

27. "Хузур" - ҳузурланиш, роҳатланиш ҳисси. ("Дўлан" рақсининг энг охирги тугалланадиган қисми).

## 2.2. “Гузлал ифода (Минимка)” лм ҳаракатлар

1. “Бўйин этиш” (Қийрар бўйин) ҳаракати – уйғур рақсидagi бу ҳаракат фақат қизларгагина хос бўлиб, у ўзгача назоратта эга. Унинг ҳолати сув устидан кўтарилиб турган илдуфар гулнинг ёки оқар сув қирғоғида ўсиб турган гяёхнинг сувада қалқиши, оқимонинг кучи билан енгил мазлаюб туришига ўхшайди. Бу ҳолатда гулнинг сувага чўккан қисми билан сувадан кўтарилиб турган қисми бевосита куч таъсирига учрамайди. Фақат гул гунчасининг туби билан кесилган нуқтаcитина куч таъсирига учрайди.

Қондаси: “Бўйин этиш” ҳаракатида ижрокчининг гавдаси ва бўйини (қулоқ ости) ҳисм ҳаракатланмай, фақатгина бўйин тортиш пайлари умуртқанинг ҳаракатчан ўзағи оралтирида икки тарафга ҳаракатланади. “Бўйин этиш” ҳаракати икки томонга ҳаракатланаётганда томошанинг зўриқини ҳиссини бериб қўймаслиғи керак. Тўхташ оралини узун бўлиб кетса, ҳаракат нафислиғи йўқолади. Бу ҳаракат тўлиқ нафислиқни ва мезгилликни талаб қиладиган руҳий ҳолат ҳаракати бўлгани учун ҳам ижро жараёнида раққосанинг қўзлари, лаблари ўзгача шўх мезги табассум ичида бўлиши лозим. Бусиз “Бўйин этиш” ҳаракати ўзининг бутун қимматини йўқотди. “Бўйин этиш” ҳаракати қўл ҳаракатлари билан мослашиб келадиған рақс ҳаракатлари орқали кўрсатилади.

2. “Иргитма” (Иях қоқаш) ҳаракати. Бундан олдинги “Бўйин этиш” ҳаракатида бош ҳаракатланмаслиқини айтиб ўтган эдик. Бу ҳаракатда эса бош, қулоқ остидан, яъни иях прентилиб бажарилади. Қўзлар табассум ичида олдинга боқадя, лаблар маст ҳолатда жилмаяди. Юзда болаларга хос ёқимли эркаланиш ва шўхлик акс этади.

Қондаси: Бош икки тарафга этилганда зарбнинг тўхташ нуқтаcи-га мослашини, яъни ҳар бир тарафга этилганда зарбнинг тўхташ нуқтаcига мос тўхтаб, кейин иккинчи томонга бажариш лозим. Лекин бошни силқитиб тўхтаганда ҳаракат силлиқ ва силқилик билан ижро этилиши зарур. Бу ҳаракат кучли зарбли бўлиб, бошнинг тўхташи аниқ акс эттирилмаса, яъни маълум нуқтада тўхталмаса, бош икки тарафга тебранаётгандай кўриниб, ҳаракат нафислиғи йўқолади.

3. “Илгак (Иях) ташлаш” ҳаракати – бу ҳаракатда иях икки ёнга ва тўғрига силқитиб ташланади.

Қондаси: Иях икки ёнга ташланганда қўз ҳири билан икки тарафга қиё боқадн, тўғрига иях ташланганда қўзлар тўғрига боқадя. Бу ҳаракатда иях ташлаганда иях билан бошнинг тўхташ нуқтаcи

аниқ бўлиши, яъки ва бошнинг ҳаракат оралиғи қаттиқ чекланиши, бош ва икклар биллигудек даражада енгил силкиниши лозим. Ияк ташлаш фақат ўнг ва чап тараф бурчакларига ва тўғрига аниқ бажарилиши лозим. Ияк силкитиб ташлавиқбоқ ўзининг қўзғаллиш жойига ҳайтади. Бу ҳайтиш иккинчи тарафга тўхтовсиз ўтади.

4. “Қилё боқриш” ҳаракати – бу ҳаракатда гавда олдинга интилган ҳолатда, бош ёнга салгина эгилади.

Қондаси: Қўзлар бурчакка эмас, ўнг ва чап ён томонларга қарайди. Юзда киминдир келишини кутаётгандай ёки қиминдир кутиб олаётгандай маъно ифодаланади. Гавда олдинга эгилб, бош ён томонларга қараганда бош елкага тегмаслиги керак.

5. “Ён тарафга мўралаб боқиш” ҳаракати – бу ҳаракат асосан бош билан қўзнинг қарама-қарши тарафлар ва бурчакларга интилиши орқали ифодаланади. Бўйин ва ияк чап тарафга қараб қўзғалганда қўз ўнг тарафининг иккинчи бурчагига қилё боқадди. Иккинчи марта бошқа тарафга бажарилади. Лекин бош ва юз тўғрига қараб, болаларча шўхлик, хурсандлик, шодлик ифодасини беради.

Қондаси: Бош, ияк қайси тарафга қўзғалмасин юз тўғрига қараб туради. Гавда олдинга қўз эгилб кетмаслиги ва бош елкага тегмаслиги керак.

6. “Олдинга мўралаб қараш” ҳаракати – бу ҳаракатда “Бўйин этиш” ҳаракати орқали бош икки ёнга ва олдинга (саҳна тарафга) қўзғолади. Ҳаракатнинг бошдан охиригача қўз ва юз олдинга қараган бўлади. Бу ҳаракатда асосан қўз ҳаракати ва ифодаси орқали тўғрига туриб бирор нарсанинг орқасига ўтиб, гоҳ икки тарафдан мўралаётгандай, гоҳ тўсниқ устидан бошини чиқараётгандай шўх бир ҳиссиётни беради.

7. “Эркалаш” ҳаракати. Бу ҳаракат болаларнинг ота-онасига эркаланиш ҳолатини ифодалайди. Бу хил минимал ифодаси ҳаракатида бош салгина олдинга чиқиб (қисқин эркалаш, яъкинш ҳиссиётни ичда бош икки тарафга енгил тебранади, қош қовоқлар устига кўтарилади ва сузилиб қўзда хушхоллик аралашган илтижо акс этади ), гавда салгина олдинга интилади.

Қондаси: Гавда олдинга чиққанда букчаймаслик, бошни икки тарафга иритишанда ҳаракат қўпол бўлмаслиги керак. Ҳаракат гўё гулнинг юпқа япроғини пуфлаганда титраб тўхтаганидек, жуда қисқа вақт оралиғи ичда ижро этилиши лозим.

Уйғур рақс санъатида “Гўзал ифода (Мимика)”ли ҳаракатлар болалар рақсига асосий бўлса, қўл ва оёқ ҳаракатлари қўшимча ўрнида туради. Шунинг утун маҳиқ қилганда олдиндан болаларнинг

асли табиатидаги шўхлигини ифодалаш, қиёфаларни тўлиқ ижро этишга, уларнинг ички ҳиссиётини тўғри акс эттириб беришга етадиган дозим. Уларнинг йиғлаш, кулиш, уялиш, эркалик қилиш, баъзан халёл суриш каби ҳиссий ғавждатларини эришмай талаб қилиш керак. Улар бу хил ҳиссиётини ҳозиржавоблик билан ифодалайдиган бўшдандагина ҳўл ва оёқ ҳаракатларини бирлаштириб ўргатиш дозим.

Катталар рақсларида эса "Ўзал ифода (Миника)"ли ҳаракатлар ҳўл-оёқ ҳаракатлари билан бирга асосий ўринда турали. Лекин, барча ҳаракатлар бир-бири билан мослашмаган бўлса, улар санъат даражасига кўтарилмай турмуш савиясида қолиб кетади.

### 2.3. Саҳна чизмаси

Рақс санъати замон, макон ва вақт таъсирида бўлади. Яъни рақс маълум давр ичида ўз руҳига ва таъсир кучига эга эканлигини ифодалайди. Шунинг учун раққоса энг аввало саҳнадаги ўз ҳаракат нуқталарини ўзлаштириб олиши лозим. Бу нуқталар рақс ижросининг бошидан то охиригача ўзгармас тараф ва бурчаклардан иборат бўлиб, раққоса уларнинг бошқарувида бўлади. Тараф ва бурчаклар нуқталарининг аниқлиги рақснинг ўзалишнинг ва қиёматиини оширади. Рақс қандай саҳнада (машҳ зали, концерт саҳнаси, давра саҳнаси, кенг майдон саҳналарида) ижро этилишидан қатъи назар 8 та нуқтага эга бўлади. Саҳнанинг олди, орқаси, ўнг ва чап томонларнинг кўриноплари куйидаги саҳна чизмасида келтирилган.



## 2.4. Гавда ҳолати

Ўсимликлар учун замин-туپроқ асосий омил бўлганидек, рақс учун тўрри гавда ҳолати энг асосий шартдир. Тўрри гавда ҳолатисиз рақснинг энг муҳим шаклини тасаввур қилиш мумкин эмас. Шунинг учун раққоса тўрри гавда ҳолатининг аҳамиятини тушуниши ва ўз гавдасини рақс ҳолатига ўтказишни билиши, рақс ҳолатида турган гавда аъзоларининг эркинлигини таъминлади лозим. Бу раққоса билиши лозим бўлган энг асосий билимдир. Раққоса гавданинг 4 та шартини ўзлаштириши керак:

1. Гавда ростланади. Ияк сал кўтарилиб, кўзлар тўрри олдинга тикилади. Гавданинг оғирлиги икки оёққа тенг тушади. Қорин ичга, бутун гавда юқорига тортилади.

2. Икки курак жуфтланади, кўкрак қафаси кўтарилади, икки елка табиий ҳолатга тушади.

3. Икки оёқ жуфтланади, қуйруқ ва қорин қаттиқ торталиб, таянчнинг мускуллари жиқслашади.

4. Икки биллак ён тос суяк мускуллари устига табиий ҳолда қўйилади, тиrsaклар озоқ эгилади, кафтлар икки ёндан сал кўтарилади.

Гавда ҳолатининг талаблари:

Икки балавд кўтариб олмаслик;

Кўзлар кўриш чизиғидан юқорига боқмаслик;

Бутун баданни гўдайиб олишдан сақлашлик;

Кайфиятнинг кўтаринокилигини таъминлади;

Гавданинг нафис, назокатли, гўзал эканлигини ифодалаш.

Гавда рақс ижроси ҳолатига кириш кўнжмасини ҳосил қилиш учун 4 та қисмнинг ҳар бирини 10 дақиқадан машқ қилиш зарур.

## 2.5. Уйғурча қўл-оёқ ҳолатлари дарси

Рақсдаги ҳар қандай ҳаракат шакли қўл-оёқ ҳолатларисиз мавжуд бўла олмайди. Ҳаракатлар функцияси қўл ва оёқ ҳолатларининг шартин ҳисобланади. Яъни ҳаракатлар ҳолатлардан шакллалади ҳамда бошидан то охиригача шу ҳолатларнинг қондаларига бўйсинади. Демак, ҳолатлар ҳар бир ҳаракатни шакллантирувчи ва бўйсиндирувчи қондадир. Гарчи ҳолатларни ўрганиш жараёнида фахат восита сифатида хизмат қилса-да, ўз навбатида у яна рақс ҳаракатларининг мавжудлигини белгилайди. Чунки у ҳам ҳаракат,

ҳам ҳаракатларининг бошланиши, кўтарилиши, тушиши, тўхтаи нуқталаридир. Булар гада ҳолатларига қилидир. Ҳар қандай шаклдаги рақс ҳаракатлари ўша ҳолатларсиз юқори савия ва натижага эриша олмайдн. Раққоса гавданинг рақсдаги тўғри ҳолатини ўзлаштириб олганидан кейингична қўл ва оёқ ҳолатларини ўрганишга кириша олади. Қўл ва оёқ ҳолатларини ўрганиб олганидан кейин эса рақс ҳаракатларини ўрганиш босқинчига киришади.

Рақс ҳолатлари ўзгармас ва муқим ҳолатлардир. Фақат ўрганилган ҳаракатларининг ўзгаришига эргашиб, бир-бири билан навбатлашади. Уйғур қиз-йигитлар рақсига оёқ ва қўл ҳолатлари қуйидагича бўлади.

### **Йигитлар ва қизлар оёқ ҳолатлари (расмларга қаралади)**

**Тайёрлов ҳолати:** Оёқлар учлари сал очик, товонлар бир-бирига яқин, аммо тегмайди, гада тўғри, қўллар орқада белда йирилган.

**1-ҳолат:** Оёқлар бир жойда бир-бирига ёпишиб туради. Оёқ учлари тўғрига қараган. Тиззалар қаттиқ тортилган.

**2-ҳолат:** Оёқларнинг товони бир жойда, оёқ учлари эса ярим бурчак(туморча) шаклида очилган.

**3-ҳолат:** Бир оёқ ўз ҳолатида қолади, иккинчи оёқнинг товони биринчи оёқнинг уч қисмида туради, учн эса ён томонга қараган.

**4-ҳолат:** Бир оёқ ўз ҳолатида қолади, иккинчи оёқ учн билан сирпаниб олдинга очилади. Оёқ учн ерда, товон кўтарилган.

**5-ҳолат:** Бир оёқ ўз ҳолатида қолади, олдинда турган иккинчи оёқ учн билан сирпаниб ён тарафга очилади. Оёқ учн ерда, товон кўтарилган.

**6-ҳолат:** Бир оёқ ўз ҳолатида қолади, иккинчи оёқ учн билан ён томондан орқага сирпаниб келади. Оёқ учн ерда, товон кўтарилиб, орқа ёнга қараган.

**7-ҳолат:-** Бир оёқ ўз ҳолатида қолади, иккинчи оёқ учн билан орқадан сирпаниб келиб, биринчи оёқ товонининг орқасига қўйилади. Оёқ учн ерда, товон ердан кўтарилган, тиззалар букилган.

Барча ҳолатлар бажарилгач, искала оёқ тайёрлов ҳолатига қайтади.

## **Ўйғур рақсининг қўл ҳолатлари. Иккигилар қўл ҳолатлари**

(Ўнг тараф билан берилган, чап тарафга шу ҳолатлар қайтарилади.)

**Тайёрлов ҳолати:** Бош, кўз ва гавада тик ҳолатда тўғрига қараган, елкалар кенг тортилган, қўллар икки ёнда эркин ташланиб туради.

**1-ҳолат:** Чап қўл орқада белда очик қафт билан туради. Ўнг қўл олдида чап томоннинг тос суяги устида туради. Гавада тўғрига қараган, чап қўлнинг елкаси орқага ташланган, ўнг қўлнинг елкаси олдинга чиқиб туради. Бош, кўз ва ния ўнг томонга сал кўтарилган.

**2-ҳолат:** “Қанот қўл” – Иккала қўл ён томонларга кенг ва текис очилган, қафтлар ён томонга, бармоқларнинг учин юқорига қараган. Бош, кўз ва гавада тўғрига қараган.

**3-ҳолат:** “Баранг қўл” – Иккала қўллар юқорига тенг кўтарилади, қафтлар юқорига, бармоқлар учин бир-биринга қараган. Бош, кўз ва гавада тўғрига қараган.

**4-ҳолат:** “Ярим қанот ва ярим баранг қўл” – Чап қўл юқориди, ўнг қўл ён томонда. Бош, кўз ва гавада тўғрига қараган.

**5-ҳолат:** “Ярим қанот, тасаддуқ” – Ўнг қўл чап кўксиди, чап қўл 2, 3-ҳолатларининг ораларида диагональ ҳолатда, ўнг елка салгина олдинга интилган. Бош, кўз, гавада тўғрига қараган.

**6-ҳолат:** “Ўқ ва ёл” – Гавада чап оёққа ўтиб ўнг оёқ орқага очилган. Чап қўл юқорига кескин кўтарилган, ўнг қўл бошдан юқорироққа салгина эгилган. Бош, кўз, гавада тўғрига қараган.

**7-ҳолат:** “Тасаддуқ” – Ўнг қўл чап кўксиди, чап қўл орқада белда туради. Чап елка олдинга чиқиб, ўнг елка орқага тортилган, гавада эса олдинга сал эгилиб туради. Бош ва кўз тўғрига қараган. Барча ҳолатлар бажарилгач, иккала қўл тайёрлов ҳолатига қайтади.

## **Қўллар қўл ҳолатлари**

(Ўнг тараф билан берилган, чап тарафга шу ҳолатлар қайтарилади.)

**Тайёрлов ҳолати:** Бош, кўз ва гавада тик ҳолатда тўғрига қараган, елкалар кенг тортилган, қўллар икки ёнда, қафтлар пастга, бармоқлар учин ён томонларга қараган.

1-ҳолат: Бош, кўз ва гавда тик ҳолатда тўғрига қараган. Қўллар икки ён томонларга кўтарилади, бармоқлар пастдоя осилиб чиқиб, кафтларнинг ён томонга ва бармоқларнинг юқорига қараган ҳолатида тўхтайдн.

2-ҳолат: Бош, кўз ва гавда тик ҳолатда тўғрига қараган. Бармоқлар осилган ҳолатда, қўллар юқорига бош узра кўтарилади ва кафтлар бир айланиб юқорига, бармоқлар учн бир-бирига ҳараган ҳолатда ҳолади.

3-ҳолат: Бош, кўз ва гавда тик ҳолатда тўғрига қараган. Аввал ўнг қўл юзининг олдидадан ўтиб кўкракнинг тўғрисида, кейин чап қўл ҳам юзининг олдидадан ўтиб, накиннг остида тўхтайдн.

4-ҳолат: Бош чап елка томон энгашган, гавда чап томонга сал эгилган, кўз уннга қарайди. Қўллар бир вақтда параллел очилиб, ўнг қўл устида, чап қўл тағида, қўллар ораси очик ҳолда туради.

5-ҳолат: Бош, кўз ва гавда тик ҳолатда тўғрига қараган. Иккала қўл бир вақтда "Гул берги" ҳолатида пастга тушади ва ўнг қўл (1-ҳолат) ён томонда қолиб, чап қўл (2-ҳолат) юқорига кўтарилади.

6-ҳолат: Бош ўнг елка томон энгашган, гавда ўнг томонга сал эгилган, кўз тўғрида. Ўнг қўл тирсақдан букилиб салгина кўтарилган, кафт наж остига келади, чап қўл юқоридан ёнга тушади, кафт ёнга, бармоқ юқорига қараган.

7-ҳолат: Бош чап елка томон энгашган, гавда чап томонга сал эгилган, кўз чап қўл бармоқларига қарайди. Иккала қўл ва бармоқ учлари ён томонларга (1-ҳолатдан пастроққа), елкалар орқага ташланган.

Барча ҳолатлар бажарилгач, иккала қўл тайёрлов ҳолатига қайтади.

## 2.6. Уйғур рақсининг "Салом"(таъзим) ҳаракатлари

Уйғур халқи ниҳоятда қадимий ва маданий миллиатлиги боне меҳмондўст, шарий ҳаё, одоб, катталарни ҳурмат, яхшиларин иззатлаш каби асл инсоний ахлоққа тўлиқ эътибор бериб келган. Уйғур миллий маданиятидаги бу хил ахлоқий қарашлар уларнинг рақсларида ҳам ўз ифодасини топган. Шунга кўра уйғур рақсларидаги "Салом (таъзим)" ҳаракатларини чуқур ва яхши билиш уйғур рақсларини ўргатувчилар учун муҳим аҳамиятга эга. Одатда уйғур рақсларида қизларнинг 5 хил, йигитларнинг 5 хил "Салом (таъзим)" ҳаракатлари мавжуд. Йигитлар рақс ҳаракатларининг кучли, кескин

ва мардона ижроси орқали қизлар ҳаракатларидан фарқланиши каби, йиғит ва қизлар таъзимлари ҳам ана шу жиҳатлари билан фарқланади. Ижрочи бу нуқтани унутмаслиги лозим.

### Йиғитларнинг "Салом (таъзим)"лари

1. "Оддий таъзим" – Бунда оёқ туморча, яъни 2-ҳолатда, иккала қўллар ён томонларда оддий осилиб туради. Фақат бошқин олдинга эгиш билан бажарилади. Гада тортилган бўлиб, тиззалари қаттиқ жуфт бўлиб тортиб турилади (1-расм).

2. "Ҳурмат таъзими" – Бунда оёқ, гада 1-саломга ўхшаш бўлиб, ундан фарқли томони фақат ўнг қўл кўкрак устига қўйилади. Тирсак белдан юқори ҳам, паст ҳам бўлмаслиги, кафт эса юрак тўғрисида табиий тўхтитилиши лозим (2-расм).

3. "Қўш қўл кўкрак таъзими" – Оёқ ўз ҳолатида бўлиб, гада тик туради, фақат икки қўл билаклари бир-бирига устма-уст чалиштириб турилади, бош эгилади (3-расм).

4. "Алмаш қўл таъзими" – Оёқлар 2-ҳолатда, яъни туморча шаклида бўлади. Гада тик туради, бош сал эгилган. Иккала қўл алмашиб (ўнг қўл чап тарафга, чап қўл ўнг тарафга), тос суяклар устига қўйилади. Кафтлар ичарига қараган, лекин пастга тушиб кетмаслиги керак (4-расм).

5. "Олий ҳурмат таъзими" – Бунда бир оёқ тиззадан букилиб ерга тегиб туради, иккинчи оёқ букилиб тизза олдинга чиқиб туради. Иккала қўллар устма-уст чалиштирилиб, кафтлар билаклар устига қўйилади, лекин кўкракка ёпишмаслиги керак. Гада табиий равишда олдинга интилади. Бош эгилади, аммо қўлларга тегмайди (5-расм).

Йиғитларнинг таъзимлари юксак виқор ва мартурлик билан бажарилади.

### Қизларнинг "Салом (таъзим)"лари

1. "Оддий ҳурмат таъзими" – Оёқ 3-ҳолатда(мих шакли) тик, тиззалар бирга ёпишиб туради. Ўнг қўл пастдан ён томонга кўтарилиб, кейин олдиндан бурилиб кўкрак устида тўхтайдди. Кафт пастга, бармоқлар учин эса чап томонга қараган, бош ва кўрсаткич бармоқлар кўксига тегиб туради, қолган бармоқлар тегмайди. Чап қўл ён томонда табиий ҳолда осилиб туради. Бош ва гада олдинга

сал эгилган, бел эгилмаслиги керак. Қўзлар табассум ичиде ерга қиё боқадн (1-расм).

2. "Қўшқўл кўкрак таъзим" – Оёқ ўзгармаган, миш шаклида қолади. Қўшқўл кўкрак таъзими 1-таъзимга ўхшаш бўлиб, фарқи иккала қўллар кўкрак устида бўладн ва кафтлар кўксига қариган. Иккала қўл бармоқларининг учлари бир-бирига ақин туради. Бош кўпроқ эгилади (2-расм).

3. "Бутун этак таъзим" – Оёқ орқада 7-қолат (Чесма шакли)да туради. Тиззалар сал буккилган. Иккала қўллар бармоқ учи билан икки ёндан қўйлак этакини кенг ёйиб очадн ва бармоқ учлари охирида ўзига хос ўзгариб, айлантириб олинади. Бош ён тарафга сал эгилган, қўз ёнга қиё боқадн. Гада олдинда тик тўғирланиб туради, бел эгилмайдн (3-расм).

4. "Ярим этак таъзим" – Оёқ ҳолати ўзгармайдн. Бу таъзимнинг икроси 3-таъзимга ўхшаш кетади. Фарқи бир қўл этакни ёйиб очса, иккинчи қўл пастдан ён томон орқали кўтарилиб, кейин олдиндан бурилиб кўкрак устига қўйилади. Гада тўғрига қарайди. Бош ва қўз этак кўтарилган бармоқ учига юзланади (4-расм).

5. "Қўшқўл тиз таъзими" – Оёқлар 2-қолатда, яъни туморча шаклида бўлади. Таъзимнинг бу кўринишидан чуқур ҳурмат ақс этиши учун гада умуртқа ўзаклари тизими бўйича олдинга пастроққа эгилади. Бош ва елка ўзгармаган ҳолда теги эгилади. Қўллар ён томонда табиий соллашиб туришини бузмай, олдинга чиқарилиб, тизза устида енгил тўхтайдн. Юз ёнга бурилиб, бош эгилиб, қўзлар ён пастга қиё боқадн. Тиззалар эгилмайдн (5-расм).

Қизларнинг таъзимлари юксак ақдор, ноз ва ишва билан бажарилади.

## 2.7. Уйғур рақснинг ҳаракатлари

Йигитларнинг рақс ҳаракатлари қизлар рақс ҳаракатларидан кескин фарқ қилади. Бу фарқи йигитларнинг табиий характери билан қизларнинг табиий характери ўхшамаслиги келтириб чиқарилади. Йигитларнинг рақс ҳаракатлари жанг қилиш, овчилик, ариқ ва ўзан қазиниш, деҳқончилик каби жароҳларда куч-қайратини, жанговорлигини, қаҳрамонлик ва жасоратини, ботирлигини тасвирласа, қизларнинг рақс ҳаракатлари уларнинг табиий иқтислори бўйича ўзларининг турмуш муҳитидан келиб чиқиб, бормончилик, пахта-

корлик, кашпачилик, тикувчилик, уй безаш, қозон-идиш машрулотни бўладиган тортинчоқликни, юмшоқликни тасвирлайди.

Рақс санъатида оёқ ҳаракатлари энг асосий ва муҳими ҳисобланади. Агар рақс санъатининг оёқ ҳаракатлари ҳақидаги билим кучли ва пишиқ бўлса, дунёнинг ҳар қандай жойида қандай рақслар бўлганига ҳарамай, қарсн миаллатга ҳос жиялигини билиб олиш мумкин.

Демак, оёқ ҳаракатлари рақснинг ритм гўзаллигини ёритибгина қолмасдан, ўз навбатида бир миллатнинг эстетик қарашларини, миллий психологиясини ҳамда рақснинг миллий колоритини акс эттирадиган муҳим омилдир. Маълум маънода олганда рақс дегани бу оёқ ҳаракатлари демак. Шунинг учун ижрочининг рақс ижро этиш жараёнидаги буткул истёдоди, маҳорати унинг оёқ қадам ҳаракатини пишнқ, тўғри ва маҳорат билан ижро этишида акс этади.

Уйғур рақсида оёқ ҳаракатлари алоҳида аҳамиятга эга. Унда оёқ ҳаракатлари орқали профессионал образнинг энг яширин ички кечинмаларини ифода қилиш мумкин, бу ҳаракатлар ўзининг турлари кўпчилиги, ҳаракат шакллариининг гўзаллиги, зарбининг кучли бўлиши, тўхташ нуқтасининг аниқлиги билан бошқа миллат рақсларидаги оёқ ҳаракатларидан тубдан фарқ қилади. Уйғур рақснинг кўп зарбли, ўзгарувчан оёқ ҳаракатлари дунёдаги доврўқ қозонган, ўзининг ягона гўзаллигини, ўхшашни йўқлигини намоён қилган рақс санъатларидан биридир. Шунинг учун уйғур рақсини ўрганувчи ҳар бир ҳаваскор уйғур рақсидаги қадам оёқ ҳаракатларини алоҳида санъат маҳорати сифатида таниб, ўрганиши лозим. Бундан ташқари қўл ҳаракатлари ҳам оёқ ҳаракатлари каби ўзининг турлари, ҳолатлари, бармоқларнинг фаҳаттига уйғур рақс санъатида ҳос кўриниши билан бошқа халқ рақс санъатидан фарқли томонларини кўрсатиб туради.

### Қимларнинг ҳаракатлари

#### 1-расм. “Гўзал қомат” ҳаракати:

“1-и” га: Иккита оёқ тайёрилов ҳолатида жуфт бўлиб туради, тиззалар ярим букилган. Қўлларнинг иккаласи олдинда, бир-бирига устма-уст ҳолатда, қафтларнинг ички тарафини ташқарига қараган, ташқри тарафи бир-бирига тескари туради. Ўнг қафт юқоридда, чап қафт пастда. Гавда олдимга салгина эгилган, “2-и” га қўлларнинг ҳолати алмашади (А-расм).

"3-6-и" гача бўлган саноқда оёқлар қайчи ҳаракатида ўнг томонга ҳаракатланади, ўнг қўл гавданнинг ўнг томони бўйлаб юқорига кўтарилади, чап қўл эса чап томонга биринчи ҳолатга келади (бу ерда чап қўл кўйлакнинг этак қисмини кенг очини ҳам мумкин).

Бош қийғир бўйни билан гавда тик ҳолатига келади. Қўзлар тўғрига қараган (Б-расм).

"7 -и 8"-саногига гавда олдинга интилади, бармоқлар узун тортилади ва орқага қайтиб қафтлар пастга қараб қолади, тирсак сал букилиб, қўл эгрисимон ҳолатга келади (В-расм).

Бу ҳаракат жуда нозиклик билан ижро этилиб, гўзал қоматни тасвирлаб беради ва шу тартибда чап тарафга такрорланади.

**2-расм. "Сайлона қадам" ҳаракати:(1-варианти)**

"1"-саногига ўнг оёқ олдинга бир қадам ташлайди, "и"-га чап оёқ полдан алатма қилиб кўтарилади. Қўлларнинг иккаласи ҳам пастга тўғри осилган, бармоқлар пастга, қафт ички томони ўзига қаратилган ва ўнг томонга ҳаракатланади. Гавда белдан олдинга сал эгилган.

"2"-саногига кўтарилган чап оёқ олдинга бир қадам ташлайди, "и" саногига ўнг оёқ полдан алатма қилиб давога кўтарилади. Қўллар ўзгармаган ҳолда чап томонга ҳаракатланади. Бош олдинга эгилади, кўзлар эса бармоқларнинг ҳаракатини назорат қилади (А-Б расм).

"3-и-4-и"-саногига оёқлар олдинга бир текис олдий қадам ташлайди ёки шу ҳаракат билан орқага ўтирилиб, алка ва сочларни ўйлатиб юриш ҳам мумкин.

Қўзлар икки ёнда тайёрлов ҳолатида қолади. Бош ва кўзлар тўғрига қараган. Гавда икки тарафга енгил тебранади (В-расм).

Бу ҳаракат бошидан охиригача назокат билан бажарилади. Қадамларни аниқ ва силлиқ олиш лозим.

**"Сайлона қадам" ҳаракатини тўхтаб бажариш:(2-варианти)**

"Сайлона қадам"нинг 1-варианти "а-б" ҳаракати "1-и 2-и" саногига бажарилади.

Фақат "3-и 4-и" саногидagi ҳаракат бир жойда тўхтаб бажарилади.

Бу ҳаракатни бажариётганда гавда юқорига тортилган, елкалар нозиклик билан силкинади.

### **3-расм. "Тоғус қадам" ҳаракати:**

"1-н" санояига чап оёқ чап томонга ёни билан қадам ташлайди.

"2-н" га ўнг оёқ қадам ташлайди. Қўллар оёқ ҳаракатига мос равишда ўнг томондан биринчи ва тайёрлов ҳолатлари оралигидан бир-бирига параллел ҳолатда очик туради, бармоқлар очик, кафтлар полга қараган. Гавада ёни томонга интилган, кўзлар бармоқларда (А-расм).

"3-н" санояида гавада чапга бурилиб, "4-н" да иккинчи оёқ бир жойда йиғилади ва тиззалар бир оз букилади. Чап қўл юқорига кўтарилди, ўнг қўл ёнда қолади, гавада юқорига тик тортилиб, чап томонга бир айланиб олинади. "4-н" га қўллар 6-ҳолатга келади, яъни ўнг қўл ёнда, чап қўл тирсақдан букилиб кўкрак ёнига келади, бармоқлар ярим мушт ҳолида, бош чапга сал эгилган, кўзлар тирсақ оша ерга қарайди (Б-расм).

"5-н-6-н"-санояига ўнг оёқ чап оёқнинг олдидадан ўтиб олдинга тортилади ва ярим ўтириш қилади. қўллар эса 1-ҳолатга очилади (ўнг қўл юқориюқ, чап қўл эса пастроқда), бармоқлар очик, кўзлар чап бармоқ учига қараган, гавада чапга эгилган.

"7-н-8-н"-га ўнг оёқ орқага қайтиб, ўнг томонга қўйилади, чап оёқ чап тарафга ёнига очилади, гавада оғирлиги ўнг оёққа ўтади. Қўллар тепага 2-ҳолатга кўтарилган, кафтлар юқорига қараган, бармоқлар ярим мушт букилган. Гавада кўтарилиб, кўзлар тўғрига қараган (В-расм).

### **4-расм. "Юрак ҳажжони" ҳаракати:**

"1-н" санояида ўнг оёқ чап оёқ ўстидадан ўтади, кафтлар тайёрлов ҳолатида бир айланиб олади (А-расм).

"2-н" санояида ярим ўтириш билан айланиб олинади, гавада чапга бурилатганда ўнг елка сал ортда қолиб, бурилади. Кафтлар орқада бел соҳасига келади (Б-расм).

"3-н" санояида оёқ 6-ҳолатда қолади. Ўнг оёқ олдинда, чап оёқнинг учини орқада тортилади. Чап қўл нияк остига келиб тўхтади. Ўнг қўл тайёрлов ҳолатида қолади ёки этакни ушлаб, кенг очиб қолиши ҳам мумкин. Гавада томошабинга чап ёни билан қолади.

"4-н" санояида чап бурчакда қолган кўзлар қийғир бўйин ва қош-кўз сузялиб, ишва, ноз, эркаланиш билан ўнг бурчаккача бурилади (В-расм).

**5-расм. "Гул шох" ҳаракати:**

Оёқлар 5-ҳолатда, ўнг оёқ ёнда очик, гада оғирлиги чап оёқда бўлиб, ўнг оёқнинг учини гадакинг бурилишига ёрдам беради. "И"-сановида ўнг оёқ учини ҳавога бир оз кўтарилиб, "1"-сановида салгини ортга ерга нўқта қўлади. Шу тариқа "и-2"дан "и-8" сановигача саҳланкинг 8 та нўқтаси бўйлаб бурилади.

